Adabiyot, madaniyat yashasa — millat yashaydi

O‘ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN’ATI

1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan | ADABIY-BADIIY, MA’NAVIY-MA’RIFIY, IJTIMOIY GAZETA | № 24-25 (4579-80) // 2020-yil 10-iyul

АДАБИЁТ МИЛЛАТНИНГ ЮРАГИДИР

Ёшларимизни она Ватанимизга, мустақиллик ғояларига муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг истеъдод ва қобилиятини, эзгу интилишларини рўёбга чиқариш йўлида бошлаган катта ишларимизни бундан буён ҳам қатъият билан давом эттирамиз.

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ

Ахмад Тўра фотолари

САБОҚЛАР, ТАҲЛИЛЛАР, ТАЖРИБАЛАР

Одатда, мазкур адабий анжуман юртимизнинг энг сўлим, хушҳаво гўшаларидан бири, пурвиқор тоғларга туташ бўлган Зомин туманидаги “Ўриклисой” оромгоҳида ташкил этиларди. Қолаверса, бу йил семинар қамровини кенгайтириш, аҳамиятини янада ошириш максадида анжуман доирасида Марказий Осиё давлатлари ижодкор ёшлари форумини ташкил этиш режалаштирилган эди. Бироқ айни пайтда дунё бўйлаб кузатилаётган эпидемиологик вазият сабабли жорий этилган карантин тартиби чекловлари инобатга олиниб, халқаро форум интернет тизимида тобора оммалашиб бораётган ZOOM дастури орқали онлайн тарзда ўтказилди.

Ижодкор ёшлар ҳар йили интизор кутадиган адабиёт байрамини Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ шоири Сирожиддин Саййид очди. Жиззах вилояти ҳокими Эргаш Солиев ёш қаламкашларни улкан адабий вокеа билан қутларкан, мазкур семинарнинг халқаро миқёсда ўтказилаётгани Марказий Осиё давлатлари ёшларини бадиий ижод оркали бирлаштириши, энг улуғ неъмат — тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлашда жуда катта ўрин тутишини таъкидлади.

Барча иштирокчилар анъанавий Зомин анжуманининг кенг қанот ёзиб юксалаётгани — халқаро форумга айланганидан мамнун эканликларини билдирдилар.

Семинар ишида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан 58 нафар, шунингдек, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Озарбайжон ва Афғонистондан 12 нафар, жами 70 нафар ёш ижодкор иштирок этди.

Семинар тўрт шўъба — назм, наср, бадиий публицистика ва бадиий таржима гуруҳларига бўлинган ҳолда ўз ишини давом эттирди. Гуруҳларда устозлар ижодий ишларни таҳлил қилиб бордилар. Бу эса, айтиш мумкинки, ёшлар учун ўзига хос сабоқ бўлди.

Жумладан, назм йўналишида анжуманга жалб этилган ёшлар Ўзбекистон халқ шоирлари Усмон Азим, Маҳмуд Тоир, таниқли ижодкорлар Эшқобил Шукур, Амиркул Карим, Абдумажид Азим, Зебо Мирзо, Салим Ашур суҳбатидан бахраманд бўлишди. Наср, бадиий таржима, бадиий публицистика йўналишларида семинарнинг республика босқичига ўтган ёш ижодкорлар эса адиблар Собир Ўнар, Исажон Султон, Лукмон Бўрихон, шунингдек, Аъзам Обид, Нурилла Чори, Рисолат Ҳайдаровадан керакли йўл-йўриқ ҳамда кимматли маслаҳатлар олишди.

Устозларнинг “онлайн давра”сида кечган унутилмас адабий сабоқлар, самимий гурунглар, чуқур таҳлиллар ёшларнинг келгуси ижодий фаолиятида, албатта, ўз самарасини беришига ишонамиз. Муҳими, кенг жамоатчилик, адабиётсевар халқимиз ва, албатта, ёшларимиз юртимизда карантин тартиби жорий этилган бўлса-да, айни пайтда адабий жараён қизғин давом этаётганига гувоҳ бўлдилар. Бу эса ёш дарёдил ижодкорларимизни янада илҳомлантиради, янги ижодий марраларга ундайди.

Ботиржон ЭРГАШЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари

Ҳар йилги анъанага кўра, шу йилнинг 6 июль куни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Жиззах вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда ёш ижодкорларнинг “Зомин қалдиргочлари” семинарини ташкил этди. Унда Жиззах вилояти ҳокимлиги, мамлакатимизнинг таниқли ёзувчи-шоирлари ҳамда истеъдодли ижодкор ёшларнинг катта бир гуруҳи иштирок этди. Мазкур семинар бутун дунёда ҳамда юртимизда кечаётган пандемия сабабли Zoom дастури орқали онлайн тарзда бўлиб ўтди.

КЕЛАЖАК УМИДЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2018 йил 5 апрелда қабул қилинган “Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорнинг 1-банди ижроси юзасидан ўтказилган ушбу анжуманнинг максади, аввало, юртимизнинг турли ҳудудларида яшаб ижод қилаётган ёш иктидор эгаларини аниклаш, улар ижодини қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Семинар бошланиши олдидан таниқли адиб ва шоирларимизнинг бир гуруҳи эндиликда пойтахтнинг кўркам ва табаррук масканига айланиб улгурган Адиблар хиёбонига кириб келишди. Улар бобомиз ҳазрат Мир Алишер Навоий ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйиб, улуғ зотга ҳурмат-эхтиром бажо келтирдилар ва хиёбонни зиёрат этдилар.

Онлайн семинарда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ шоири Сирожиддин Саййид сўзга чикиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ташкил этилган Республика ёш ижодкорлари Зомин семинарининг ўтган йиллар мобайнида юзлаб ёш истеъдодларни кашф этганини қайд этди. Чиндан ҳам юртимизда адиб ва шоирлар, қолаверса, ёш ижодкорларга ғамхўрлик ҳеч қачон бугунги даражада бўлмаган.

►2

ИШОНТИРИШ САНЪАТИ

Гоҳида шундай бўладики, ўз ўзим билан суҳбатлашаман, тортишаман, баҳслашаман... Ўшандай гурунгларнинг бирида суҳбатдошим айтдики, адабиёт – ишонтириш санъати!

— Хўш, сизнингча, адабиёт – ишонтириш санъати бўлса, туб-тубида ёлғон бор деган гап чиқмаяптими? Моҳиятида ёлғон ётган санъатнинг кимга, нимага кераги бор?

— Жўра, масалани жўн тушунманг-да. Адабиёт туйғунинг, бадиий тафаккурнинг рост ва гўзал ифодасини талаб қилади, холос.

Мен наср кенгашида иштирокчиларнинг ижодий ишлари билан танишдим. Ўқиганларимдан сездимки, уларнинг энг катта ютуғи адабиётга меҳр қўйгани ва ёзишга бўлган ғайратидир. Аммо улар ўзларича аксар битиклари жанрини белгилаб қўймасин, бу жанр талабларига жавоб бермаслиги, воқеликдан узоқ сюжет ўқувчини ишонтира олмаётгани, ўқувчининг олдида шунчаки, эзмалик қилаётгани сезилади.

Хўш, нега улар бундай ёзяпти?

Бу уларнинг айби эмас, бу бир ҳовуч қалам аҳлининг – китоб кўрган кишиларнинг яхши асарнинг яхши эканини, ёмон асарнинг ёмонлигини вақтида айтмаганида деб биламан. Кўп йиллардан бери тугуни заиф, кульминацияси мўрт асарларни мақтаб келдик.

Ялтироқ муковали, олди-қочди мазмунли асарлар чинакам бадиий адабиёт эмаслигини вақти-вақти билан тушунтириб турмадик. Энди шу “ариқдан” сув ичганларга, ёзганнингнинг адабиётга дахли йўқ, деб айтиш осонми?!

Аммо кишини қувонтирадиган, ёзганларидан бир ёруғлик таралиб турганлари ҳам бор. Бухоролик Рушана Набиева, самарқандлик Тозагул Жуманова, наманганлик Шаҳзод Эргашалиев шулар жумласидан.

Рушана ва Тозагул болалар учун ажойиб эртак ва ҳикоялар ёзибди. Айниқса, Рушананинг “Шубҳа”, Тозагулнинг “Бахт калити” номли машқларини ўқиб хурсанд бўлдим. Келгусида улар ёзиш малакасини мукаммал эгаллаб, адабиётимиз равнаки йўлида хизмат қилади. Шаҳзоднинг “Уфққа туташ йўл”и чиндан ҳам уни адабиёт йўли билан туташтирган.

Нурилла ЧОРИ,
семинарнинг наср кенгаши ҳайъати аъзоси

ВАТАН

Боғларингни қучдим, ўпдим тупроғинг,
Майсанг шудрингига юзимни чайдим.
Қировларда қолган ниҳолдай эдим,
Сенинг меҳринг билан ўсдим, улғайдим.

Ҳар битта япроғинг жонимдай азиз,
Сенсиз менинг қалбим ташна даладай.
Адашсам излайман, минг оҳ ураман,
Онасин йўқотиб қўйган боладай.

Ватан! Сени тонгдан изладим, топдим,
Соғинчим интилган томонидасан.
Момомнинг бахт тўла кўзларида ва
Қалбимнинг энг юксак осмонидасан.

Муҳаммаджон ЖЎРАБОЕВ,
назм йўналиши бўйича семинар қатнашчиси.

Наманган

АСЛ МУДДАОГА ЭРИШДИК

Публицистнинг асосий қуроли – фикр. Унинг ижоди тинмай ёзиш, ўқиш ҳамда устозу замондошлар эътирофи билан такомилга етади. Ёшларга илҳом бағишлаётган Зомин семинари адабий тарози посангисини тўғри қўйгани билан аҳамиятлидир. Бу юксак мезонлар юракни беихтиёр ҳайрат, ҳавас ва ҳаяжонга солади.

Биз ушбу семинарда она диёримизнинг барча вилоятлари билан бирга Марказий Осиё мамлакатларидаги тенгқурларимиз билан чинакам ижод завки, иштиёқини туйдик. Устоз адиблар, газета ва журналлар муҳаррирлари бизга табрик айтиб, оқ йўл тилади. Бу ёш ижодкорларга наинки забардаст ёзувчи-шоирлар, балки давлатнинг катта умиди, ишончидан гувоҳлик беради, деб ўйлайман.

Пандемия туфайли Зоминнинг хушманзара ва баҳаво манзараларига гувоҳ бўлмасак-да, асл муддаога эришдик. Масофавий анжуман бадиий ижод майдонида, сўз чаманида дадил фикр ва нодир топилмаларга туртки бергани шубҳасиз.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,
публицистика йўналиши бўйича семинар қатнашчиси.

АДАБИЁТ МИЛЛАТНИНГ ЮРАГИДИР

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Ўтган қисқа муддатда "Ижод" фонди ҳомийлигида қўллаб таниқли адиб ва шоирларнинг китоблари "Адиб ва жамият" рукнида нашр этилиб, китобхонлар қўлига етди. Аввалги семинарларда қатнашиб, устозлар назарига тушган қўллаб ёшларнинг илк китоблари "Ижод" фонди томонидан 20 минг нусхада чоп этилди. Бир сўз билан айтганда, адабиётга, китобга эътибор ўзининг илк меваларини бера бошлади. Шу кунларда адабиётга кириб келаётган ёшлараро ҳбари жиззахлик ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш, ушбу семинарни адабиёт ва китобхонлик байрами сифатида юксак даражада ўтказиш мақсадида Ёзувчилар уюшмаси, "Ижод" жамоат фонди ва Жиззах вилояти ҳокимлиги томонидан қилинган ишларга ҳам тўхталиб ўтди.

Маълумки, "Зомин қалдирғочлари" семинари уюшма томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинмоқда ва бугунгача ушбу тадбирда қарийб уч минг нафар ёш ижодкорлар кашф этилди. Тожвирус пандемияси туфайли ёш ижодкорлар бу йил нали бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев бошқариб борди. А.Мелибоев ёшларнинг катта адабиётга кириб келишида журналистика, хусусан, бадиий публицистиканинг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратди. Анжуманда иштирок этган Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси, таниқли шоир С.Ҳаким мулоқот жараёнида ёшларни касб сирларидан огоҳ этиш билан бирга уларнинг асарларини таҳлил этди.

Айниқса, куннинг иккинчи ярмида иш бошлаган назм ва наср шўъбаларидаги муҳокамалар жуда қизғин тус олди. Хусусан, назм шўъбасида Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим шеъриятнинг ҳеч қачон ўзгармас ва эскирмас қоидаларига оид қимматли фикрлар билдириб, бугунги ёшларга шу йўлда омад тилаган бўлса, яна бир Халқ шоири Маҳмуд Тоир бадиий ижод ҳақида устозларнинг дурдона сатрларидан мисоллар келтирди. Таниқли шоир Эшқобил Шукур, Зебо Мирзо ва Амирқул Каримнинг ёш ижодкорлар шеърларига билдирган самимий ва ҳаққоний баҳо ва муносабатлари умрбод ёшларнинг хотирасида қолса ва уларга ижоднинг машаққат ҳамда масъулиятли йўлида маёқ бўлса, ажабмас.

Айтиш керакки, наср ҳамда бадиий таржима шўъбалари фаолияти ҳам қизғин мулоқотлар ва баҳсларга бой бўлди. Таниқли адиблар Собир Ўнар, Луқмон Бўрихон ва Исажон Султон ёш носирларнинг ҳикоялари бўйича зарур ва керакли маслаҳат ва тавсияларни бердилар. Адиблар эътирофича, бугунги кунда насримизга ўз сўзи, ўз услуби билан умидли ёш авлод кириб келмоқда. Шунга ўхшаш фикрларни бадиий таржима йўналиши юзасидан айтиш мумкин. Инчунун, бугунги кунда аввалги пайтлардагидек жаҳон адабиётининг кўпгина намуналари рус тили орқали кириб келмасдан, балки ёшларимиз бадиий асарларни бевосита инглиз, немис, хитой ва бошқа тиллардан таржима қилишмоқда. Бу эса бадиий асарнинг оригиналига яқинлигини таъминлаши табиий.

Мухтасар айтганда, навбатдаги семинар ҳам бугунги ёшлар барча жанрларда самарали ижод қилаётганини, энг асосийси, катта орзу-умидлар ва изланишлар йўлида эканини намоён этди. Таъбир жоиз бўлса, бугун бу ёшларнинг ҳар бирини бир шўх жилға десак, эртага улар, албатта, серсув ирмоққа айланиб, адабиётимизнинг улкан Амударёсига қуйилади, деб умид қиламиз.

Абдумажид АЗИМОВ

КЕЛАЖАК УМИДЛАРИ

нинг ғайрат-шижоати, билими ва интилишлари шундан далолат бериб турибди.

Айнан бу йилги семинарга келсак, анъанавий тадбирнинг макони ва қамрови кенгайди. Биринчи марта Марказий Осиё республикалари — Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон, қолаверса, Озарбайжон ва Афғонистондан ҳам ёш ижодкорлар таклиф этилди.

Онлайн семинарда сўзга чиққан Жиззах вилояти ҳокими Эргаш Солиев анжуман иштирокчиларини қутлар экан, аввало, Жиззахда бўлаётган туб ўзгаришлар, улкан бунёдкорликлар ҳақида гапирди. Вилоят кўркам ва баҳаво Зомин тоғларига бора олишмаган бўлсалар-да, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан қўлёзмалари семинар учун бир неча ой давомида сараланиб олинган ёшлар адабиётнинг турли йўналишларида ўз маҳоратларини намоён этишди.

Мазкур семинар бу йил тўрт йўналишда – назм, наср, бадиий публицистика ва бадиий таржима йўналишларида шўъбаларга бўлинган ҳолда иш олиб борди. Куннинг биринчи ярмида иш бошлаган «Бадиий публицистика» шўъбасида онлайн мулоқотни таниқли публицист, «Жаҳон адабиёти» жур-

Аъзам ОБИД,
семинарнинг бадиий таржима шўъбаси аъзоси:

– Мен семинардан бир неча кун олдин бадиий таржима шўъбасига асарлар топширган ёшларнинг ижодий ишлари билан танишиб чиқишга муваффақ бўлгандим. Булар инглиз тилидан ўзбек тилига ҳамда ўзбек тилидан инглиз тилига таржима қилинган матнлардан иборат эди. Мазкур таржималарни дабдурустдан танқид қилиш фикридан йироқман, чунки бу муаллифлар эндигина соҳага кириб келаётган ёшлар.

Шу ўринда бадиий таржима билан шуғулланишга иштиёқманд ёшларга айрим тавсияларни айтишни мақбул топдим. Ўзбекчага таржима қилганда муаллифни ва матнни тўғри танлаш, муаллифлик ҳуқуқига қатъий риоя қилиш, муаллифлар ҳаёт бўлса, улар билан танишиб, таржима устида биргаликда ишлаш ижобий натижа беришига шубҳа йўқ.

Ҳар бир таржимани муҳаррир назаридан ўтказиш, инглизча китобларни кўп ўқиш, гап қурилишлари, сўзларни ишлатишни ўрганиш ҳам муваффақиятнинг асосий омили бўлади. Сўзимнинг сўнггида фақат ёзма эмас, оғзаки синхрон таржимани ҳам ўрганиш, ишни кичик асарлар таржимасидан бошлашни маслаҳат берардим.

Ирисгул ИЗАТОВА,
Қирғизистон

СОҒИНЧ

Деразадан юзга тушар кун нури,
Киприклардан қушдек уйқу учди жим.
"Ҳарир тонгни қандай қарши олди", деб
Кўз очдиму дарров сизни ўйладим.

Майда-чуйда ташвишлардан чекиб ғам,
Билмам, балки солиб тургансиз қовоқ.
Битмай қолган юмушлар деб, муҳтарам,
Уйғонгансиз ҳар кунгидек эртароқ.

Соғинч менинг кўксимни қон айлаган,
Юк босади юрагимга тўлиб мунг.
Кадар тутса тақдиримнинг жиловин,
Ёнингизга елдек елиб борардим.

Айланасиз ин излаган қушдек маст,
Ва сезасиз бедор тунлар тўлғониб.
Ҳаёт тўхтаб қолмагунча иш битмас,
"Учрашайлик", деб қўйсангиз бўлгани...

Қирғиз тилидан Фахриддин Ҳайит таржимаси

Турол ТУРОН,
Озарбайжон

ОЧИБ ЙЎЛЛАРНИ...

I

Тош одамман, сен дединг,
Умрим тошдан тузилар.
Ҳатто қоним тошдандир.
На оқар, на сузилар…

II

Очиб йўлларни едим,
Тиз чўк дерлар отимга.
Ахир мен кимман? – дедим,
Йўллар тушди ёдимга…

III

Йўлларни чигал кўриб,
Отдим кўксимга, дайди.
От азобдан йўлларни,
Аста одимлаб қайтди…

Озарбайжон тилидан Раҳмат Бобожон таржимаси

Бовуржон ҚОРАҚИЗЎҒЛИ,
Қозоғистон

ТУПРОҚ

Тупроқ,
мен ясама мунгдан қўрқаман,
ибодатсиз ўтар тундан қўрқаман.
Сўқир сўзлардан...
қабрга айланган қоронғу-у-у кўзлардан,
гуноҳкор киприкни ювган бегуноҳ ёшдан...
тавба қилмас бошдан қўрқаман,
тупроқ!

Оллоҳнинг нури ёғмоқда кўкдан,
бир меҳр ёғмоқда тип-тиниқ.
Ҳа, рост,
биз – етиммиз ерга ташланган,
алданиб Ёлғонга,
Раҳим Нурига маст бўлиб,
унутилган нуқтамиз – дарбадар...

Тупроқ,
мен ўзимдан қўрқаман...
қасоскор тўзимдан қўрқаман.
Беҳуда товушларга кўмилган
ўтирик сўзимдан
қўрқаман, тупро-о-оқ...

Қара,
ёмғир кетиб боради,
қайга кетиб боради?
Тақдир кетиб боради...
Қара,
томчи ёруғлик тушди...
тушди тупроқтус ҳаёт,
тупроқ...

Муҳаммад ФАЗЛИЙ,
Тожикистон

ШЕЪРИЯТ

Шоирлар сўзларни терар саралаб,
Қофияга солар, қилишар ашъор.
Чиройли шеър бўлар, лек ҳар бандида
Дил торин чертгувчи ёлғони бисёр.

Ёлғон қўшилмаса бўлмайди-да шеър,
Ашъорнинг безаги қофия, туроқ.
Муболаға қўшиб, турли жонзоту,
Жонсиз буюмни ҳам этишар
«интоқ».

Бир сўз-ла маъносин кучайтирмоқ-чун,
Талмеҳлар қилишар «Вомиқ-Зуҳро»га.
Тилга олиб, фақат бир бор номини,
Достон қилмоқ бўлар бутун дунёга.

Сатрларда яққол кўринар ружуъ,
Ўйлантириб қўяр истиораси.
Шарҳлаш учун таҳрир қилсангиз агар,
Янгича ташбеҳнинг чиқар мингтаси.

«Тансиқ ас-сифат»нинг ўйлайди навин,
Излашади теша тегмаган ғоя.
Тажнислар топади, ташхис топади,
Ҳар бир мисраларда янги киноя.

Ошпаз паловига солмаса тузин,
Таъми ўзгаради, емайди ҳеч ким.
Меҳрини бермаса, минг чиранмасин,
Уни «яхши ошпаз» демайди ҳеч ким.

Ҳар кимнинг Ҳақ берган истеъдоди бор,
У – илоҳий неъмат, у – буюк қудрат.
Аввало, инсонда қалб бўлиш керак,
Қалбдан чиққан ҳар не ўлмагай ҳеч вақт.

ЮРАГИМГА ЧЎҒ ТУШДИ

Семинар якунлангандан сўнг устозларим мендан у ҳақдаги таассуротларимни сўраши-ди. Мен: "Бир сўз билан айтганда, юрагимга чўғ тушди", деб айтдим. Бундай деганимнинг боиси, менинг ҳали унчалик қиёмига етмаган битикларим катта устозларнинг эътиборига тушганидан суюндим. Муҳими, ҳикояларимни юртимизнинг бизлар ҳавас қилган таниқли қалам соҳиблари ўқиб, ўз фикрларини билдиргани бўлди.

Бу эса ижод заҳмати эндиликда тақдир йўлимнинг ажралмас бир қисми эканлигини англашимга, буни қалбан чуқур ҳис қилишимга имкон берди. Зомин семинари иштирокчиси деган ном менга ҳақиқий маънода масъулият ҳам юклади. Бундан буён шунчаки ижод қилишим асло мумкин эмас. Ўз устимда тинимсиз ишлаб, ҳақиқий бадиий асар дейишга арзигулик нарсалар яратиш учун астойдил ҳаракат қиламан. Муҳокамалар, дўстона баҳслар ижодга бўлган муносабатимни янада кенгайтирди. Бу семинарни ташкиллаштирган, мени шу бахтга муяссар қилган барча азиз инсонларга миннатдорлигимни билдираман!

Ёдгорбек ХУДОЙБЕРГАНОВ,
наср йўналиши бўйича семинар қатнашчиси.

МЕҲНАТ – ЯГОНА ЙЎЛ

Фарзанднинг дунёга келиши ҳар бир оила учун қувонч. Оқ ювиб, оқ тараган дилбандингиз жамиятга нафи тегиб, раҳмат келтирадиган инсон бўлиб етишса-ку, ҳаётда армоним йўқ деяверинг.

Қорақалпоғистоннинг Тахиатош шаҳрида туғилиб вояга етган Шаҳодат Жуллибоевага бугун жуда кўп тенгдошлари ҳавас қилади. Нукус давлат педагогика институтининг 2-босқич талабаси жорий йилда Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди. Ҳарқалай, бу йигирма ёшли ўзбек қизи ҳаётидаги ягона ютуқ эмас.

Шаҳодат болаликдан спортга ҳавас қўйди. Эркин қурашни танлади — тўққиз ёшида, ўзи, мустақил. Аввалига, ота-онаси бу қизиқиши кўпга бормай сўнса керак, деб ўйлади. Ҳар ҳолда, қиз бола бўлса… Бироқ қаҳрамонимиз танлаган йўлидан қайтмади. Охиригача курашди ва енгди — ҳаётда ҳам, гиламда ҳам.

7-синфдан Шаҳодат Нукус олимпия захиралари коллежида таҳсил ола бошлади. Бўлғуси чемпионнинг суяги худди шу масканда қотди. Дили пок, мақсади аниқ одам ҳар қандай шароитда ҳам ишончни оқлашга қодир. Бундайлар Ватаннинг юзини ерга қаратиб қўймайди. Шаҳодатнинг шаҳду шижоати, меҳнатсеварлиги, собитқадамлиги унга муваффакият пиллапоясидан илгарилашда ёрдам берди. Ниҳоят, 2014 йилда ёш спортчи Ўзбекистон чемпиони бўлди. Жорий йилда ҳам мазкур натижани такрорлаб, Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси томонидан аёллар ўртасида "Йилнинг энг яхши спортчиси" дея эътироф этилди. Шаҳодат

Жуллибоева миллий терма жамоамиз сафида кўплаб халқаро мусобақаларда ҳам муносиб иштирок этмоқда.

— Ҳаракат бўлмаса, орзу ушалмайди, — дейди суҳбатдошимиз. — Бунга ўзимнинг ҳаётим мисол. Машҳур спортчиларга бир умр ҳавас қилиб юриш мумкин. Аммо улардек бўла олиш учун қаттиқ меҳнат қилиш зарур. Ягона йўли шу! Ҳозир энг бахтли инсонлардан бириман. Чунки Ватаним байроғини жаҳон ареналари узра кўтара олдим. Ҳали мақсадларим бисёр. Асосийси, уларни рўёбга чиқариш учун куч-иродам етарли. Улкан орзуларим мени ортга чекинмасликка, ҳамиша илғор бўлишга ундамоқда.

Орамизда ўзига ишонган, бор кучини юрт равнақи учун сафарбар этишга тайёр ёшларнинг борлиги кишини беҳад қувонтиради. Улар, сўзсиз, давлатнинг бойлиги. Бу авлод қандай улуғвор ишларга қодирлигини ҳали кўп бора исбот этажак.

Шоҳрух ИБОДУЛЛАЕВ,
семинарнинг публицистика йўналиши иштирокчиси.
Қорақалпоғистон

ОРЗУ БИЛАН ЮЗЛАШДИМ

Ҳар куни тонгни шукроналик билан қаршилайман. Осойишта заминда яшаётганимни ўйлаб, юртим жамоли кундан-кун гўзаллашиб бораётганлигини кўриб дилдан севинаман. Янги, умидли кунимни бошлаш аввалидан кўчага боқаман. Мусаффо тонг ҳавосидан баҳра оламан. Сочларимни сийпалаган ёз шамоли бугун мендан олисдаги яқинларимдан хабар келтиради...

Азизам Гулшода, бугун майин саболар сен юборган саломни менга етказди. Мен ҳам сенга соғинчли саломимни йўллайман. Амалиётни бошлаб юборибсан, буни эшитгач, бир болакайнинг қўлига қалам тутиб, ёзиш, чизишни ўргатаётган ёш ўқитувчи кўз олдимда гавдаланди ва унинг сиймосида сени кўрдим.

Йиллар ўз ҳукмини ўтказиб, биз ҳам ўқишларни тамомлармиз... Шу пайт сен "Кўзингни оч", дея ташна қалбларга зиё таркатаётган бўласан. Мен бўлсам қўлда қалам билан халқ дарди, унинг муаммолари йўлида жон чекаётган бўламан. Буни қарагинки, иккимиз ҳам порлоқ келажак учун қўлимизда маёқ тутиб ёруғлик сари йўл бошлаймиз! Бугун мен қўлида ана шундай маёқни кўтариб юрган ҳақиқий журналистлар билан учрашдим. Бир зум бўлса-да, уларнинг оламига саёҳат қилдим. Университет талабаларини "Эслаб" кўрсатувига таклиф қилишганди.

Зинадан пастга тушиб борарканман, хаёлимда фақаттина бир нарса: "Қўшимча дарс машғулотимга кетишим керак", деган ўй. Агар ярим соатда етиб бормасам, орзуим мендан бир чақиримга узоқлашадигандек кўринарди. Ахир, тил ўрганиш энг катта максадим-да. Қолаверса, бугуннинг илғор ёшлари камида 4-5 та тилни мукаммал биляпти. Мен эса жуда кеч қолибман. Майли, ҳечдан кўра кеч, дейишади-ку.

Минг таассуротлар билан уйга қайтдим (тўғараккa ҳам бордим). Келишим билан сенга мактуб ёзишга киришдим. Бугун шаҳримиз ўзгариб кетди, янги уйларни кўрмайсанми, маҳалламизда бўлса, авваллари одамлар чироқнинг милтирашига кўниб яшарди, ўрганиб ҳам қолганди. Янги қурилаётган уйларда иссиқ, совуқ сув бор.

Майли, дугонажон, ўқишларингга омад!

Мадина АБДУСАМАТОВА,
семинарнинг публицистика йўналиши иштирокчиси.
Тошкент вилояти

СЎЗ САЙЛИ

Семинар иштирокчиси, афғонистонлик ёш шоира Раъно Шерзодга

Жаҳон алломаларининг алломаси, бобомиз Абу Райҳон Беруний бундан минг йил муқаддам ўзбек ва афғон халқларини бир дарёнинг икки ирмоғи, бир дарахтнинг икки бутоғи деб атаган эди. Амир Темурдек буюк соҳибқирон улкан салтанат яратган, Мир Алишер Навоий ул салтанат равнақига холис хизмат қилиш билан бирга тенги йўқ сўз жавоҳирларига сайқал берган замонда юртларимиз бир давлат, бир халқ бўлган эди.

Шундан келиб чиқсак, бугунги Ўзбекистон билан Афғонистон, Тошкент билан Кобул, Самарқанд билан Кандаҳор, Бухоройи шариф билан Мозори шариф, Хива билан Ҳирот ҳеч қачон узилмайдиган тарихий ришталарга эгадир. Президент Шавкат Мирзиёев билан Президент Ашраф Ғанининг икки томонлама ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга оид мулоқотлари бундай барқарор муносабатларга мустаҳкам асос яратиб берди.

Ҳам ҳукмдор, ҳам сўз заргари Аҳмад Шоҳ адаб илми шундай дарёки, минг-минг жилғаларга айланиб, минг-минг юракларга бориб қуюлади, деган эди. Сизнинг "Зомин қалдирғочлари" масофавий анжуманида она ҳақида ўқиган гўзал шеърингиз ҳам минглаб юракларга тафт берди, туғён берди:

Кеча-кундуз термилиб ёнимда
эрдинг ҳар замон,
Уйқу кўрмай кечалар
чашми гирёнингга салом...

Шеър шундай мўъжизаки, у Қорақалпоғистоннинг Элликқалъасида ўтириб ушбу мактубни ёзаётган мени ҳам, Афғонистоннинг Шибирғонида шеър ўқиётган илми толибни ҳам сеҳрлайди.

Сўзда, Навоий, не десанг
чин дегил,
Рост наво нағмага таҳсин дегил.

Навоий мероси Афғонистонда нақадар эъзозланаётганини яхши биламиз. Сизнинг ҳазрат Алишер Навоий ҳақидаги эҳтиромга тўла сўзларингиз мени роса тўлқинлантирди. Айниқса, толмас тадқиқотчи Абдуллоҳ Рўйин томонидан Навоийнинг 32 та асари араб тилига таржима қилингани эътирофга лойиқдир.

Интернет орқали сизни тинглаганимда қадрдонларимиз Бунёд Муҳаммад Наби, Азизулло Аррол, Абдуллоҳ Рўйин, Зиёвуддин Қайсарий, Шафиқа Ёркинлар кўз олдимга келди. Ҳаммасига самимий салом! Сизга эса буюк шоирангиз Робиа Балхий ҳамда Ҳушҳол ҳазратларининг қизи Ҳалима Бонуларнинг йўлларини берсин, дейман.

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИДА НИМА ГАП?

*Маълумки, жорий йил 26 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Шу муносабат билан Ўзбек Миллий қўғирчоқ театрининг бош режиссёри **Шомурод ЮСУПОВ** жамоа олдида турган долзарб вазифалар ва режалар хусусида қуйидагиларни сўзлаб берди.*



Қўғирчоқ театри ҳам бошқа театрлар каби томошабинни тарбиялайдиган маскан. Аксарият ҳолларда қўғирчоқ театрининг ўзига хос санъат тури эканига етарлича эътибор бермаслик кўзга ташланади. Ваҳоланки, қўғирчоқ театри шунчаки қўғирчоқ ўйнатиш бўлмай, театр санъатининг биринчи бўғини ҳисобланади. Болалар дастлаб санъат билан шу даргоҳда танишади ва кейинчалик ёш томошабинлар театрига боради. Шу жиҳатдан фарзандларимизни театр санъатига муҳаббат руҳида тарбиялашда қўғирчоқ театри илк босқич саналади. Болалар театр санъатини айнан шу ерда севиб қолишлари, қайта-қайта бу даргоҳга келишни исташларига эришиш лозим. Ана шундагина бу театр ўз вазифасини бажарган бўлади. Кўриниб турибдики, қўғирчоқ театри ва ижодкорлари зиммасига улкан вазифа юкланган. Шу сабабдан ҳам театримизга Ўзбек Миллий қўғирчоқ театри номи берилди. Янги мақом билан биргаликда, театримиз янги капитал таъмирдан чиқди. Эндиликда Ўзбек Миллий қўғирчоқ театри ўз мактабини номига муносиб равишда бойитиши керак.

Бу биринчи навбатда театр раҳбарияти ва ижодкорлари зиммасига катта масъулият юклайди. Зеро, қўғирчоқларга миллий либос кийдириш билан миллийликка эришиб бўлмаслигини яхши биламиз. Миллийлик спектаклнинг ғоясида мужассам бўлиши керак. Миллий театр мақомининг моҳияти яна шундаки, биз барча қўғирчоқ театрларига дастуриламал бўладиган вазифаларни олдимизга қўйишимиз ва уларни амалга оширишда етакчи бўлишимиз зарур. Яқинда Қашқадарё вилоят қўғирчоқ театрида "Қуш тили", Сурхондарё вилоят қўғирчоқ театрида эса "Тоҳир ва Зуҳра" спектаклларини саҳналаштириб қайтдим. Бу каби тажрибаларни давом эттириш ниятидамиз. Фақат режиссура борасидагина эмас, балки қўғирчоқ ясаш техникаси ва қурилмаси бўйича ҳам тажрибаларимиз билан ўртоқлашишимиз лозим. Бунинг учун ўзаро тажриба алмашишни кенг йўлга қўйиш, қўғирчоқ театри санъатига бағишланган фестивалларни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиш керак. Шунингдек, амалга ошираётган ишларимизни оммага ёйишда қўғирчоқ театри санъатини яқиндан биладиган, бу йўналишни чуқур таҳлил қила оладиган театршуносларга эҳтиёж катта.

Жамоамиз билан 2021 йилги репертуардан қандай асарлар жой олиши ҳақида бош қотиряпмиз. Қўғирчоқ театри учун маҳоратли ёш драматурглар, режиссёрлар ва рассомлар етишмайди. Шу ўринда театрда чироқлар масаласига тўхталиб ўтмоқчиман. Чунки айнан чироқлар спектаклнинг томошавийлигини оширишда катта аҳамият касб этади. Афсуски, театрларимизда чироқлар талабга жавоб берадиган даражада эмас. Шунингдек, улардан унумли фойдаланишни биладиган мутахассислар кам. Театримиз капитал таъмирдан чиққач, биринчи марта янги чироқлар ўрнатилди. Аммо булар ҳам талаб даражасида эмас. Умид қиламанки, аста-секин бу каби масалалар ҳам ўз ечимини топади. Энг муҳими — тажриба алмашиш. Бизнинг театр бунга ҳамиша тайёр.

Миллий қўғирчоқ театри номи берилиши миллий асарларнинг кўпайишини талаб этади, албатта. Аммо бу жаҳон драматургиясидан воз кечиш керак, дегани эмас. Жаҳон тажрибасидан ўтган асарлар, албатта, репертуаримизда бўлиши лозим. Европа ва Америка қўғирчоқ театрлари репертуарида катталар учун мўлжалланган кечки қўғирчоқ спектаклларимавжуд. Катта ёшдаги томошабинлар ўз хоҳишлари билан қўғирчоқ театрига келадилар. Биз ҳам театримизда ушбу тажрибани қўллашни мақсад қилганмиз. Шу мақсад йўлида "Тўмарис" спектаклини саҳналаштириб, илк қадамни ташладик. Спектаклимиз ота-оналар учун қизиқарли бўлди. Шунингдек, кечки спектакллар чет эллик сайёҳларни театрга жалб этишда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда қўғирчоқ театри драматургиясини ривожлантириш борасида маълум ишлар бошланган. Шу ўринда қўғирчоқ театри драматургияси ўзига хос мураккабликларга эга эканини таъкидлаш жоиз. Аввало, қўғирчоқ театрининг саҳна имкониятларини яхши билмай туриб, бу театр учун асар ёзиб бўлмайди. Эҳтимол, шу сабаб ҳозирги кунда қўғирчоқ театри учун асарлар кам яратиляпти, деб ўйлайман. Аксарият ҳолларда, ўзимиз драматургларга асар ёзишни илтимос қилиб мурожаат қиляпмиз.

Кези келганда, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида қўғирчоқ театри учун мутахассислар тайёрлаш масаласига тўхталиб ўтмоқчиман. Шахсан ўзим ҳам шу институтда ўқитувчи сифатида фаолият юритаман. Кузатишларимдан келиб чиққан ҳолда, ҳозирги кунда қўғирчоқ театри режиссёрлиги ва актёрлиги йўналишида таълим олаётган талабаларнинг ҳамма истеъдодли ва ўзи танлаган йўналишни севади, деб айтолмайман. Уларнинг баъзилари менда мажбуран ўқиётгандек таассурот қолдиради. Биз театрнинг келажаги учун айнан қўғирчоқ театрини севадиган ва уни тушунадиган кадрларни танлаб олишимиз керак. Ҳукуматимиз томонидан қўғирчоқ театри йўналиши бўйича сиртқи бўлимларни очиш ҳақида қарор қабул қилинди. Бунинг яхши томони шундаки, сиртқи бўлимда таҳсил олиш талабага театрда амалий жиҳатдан тажриба ортириш учун имконият яратади. Аслида ҳар бир талаба назария билан амалиётни бир вақтда олиб бориши керак. Бу йўналишда таълим берадиган педагоглар амалий жиҳатдан тажрибага эга бўлган, дарс бериш билан биргаликда, театрда фаолият юритаётган кадрлар бўлиши лозим. Биз талабалик давримизда айнан шундай педагоглардан таълим олганмиз. Кўп нарса амалиётда "пишган" устозларга боғлиқ. Шу сабаб устозлар масаласини яхшилаб ўйлаб кўриш лозим.

Пандемия театр билан томошабиннинг бевосита мулоқотига халақит беради, албатта. Лекин биз айни пайтда қўл қовуштириб ўтирганимиз йўқ. Онлайн шаклида ижодни давом эттиряпмиз. Шунингдек, ҳозирги вақтда хорижий давлатлар театрлари билан алоқа ўрнатишнинг иложи бўлмаяпти. Аввалги ўрнатилган алоқаларни давом эттиришнинг ҳам имкони йўқ. Яқинда Россиядаги Образцов номидаги қўғирчоқ театри раҳбарияти алмашинув асосидаги гастролларни ташкил этиш таклифини билдирди. Шу таклиф юзасидан баъзи режаларимиз бор.

Энг муҳими, театримизга Миллий қўғирчоқ театри номи берилиб, бизга катта ишонч билдирилди. Бу бизни ниҳоятда қувонтиради ва келгусида янги марраларни забт этишга ундайди.

Суҳбатни Театр арбоблари уюшмаси етакчи мутахассиси Моҳинур АҲМАДЖОНОВА ёзиб олди.

Адиблар хиёбони — маърифат бўстони

«БУ ОЛАМ АРО АЖАБ АЛАМЛАР КЎРДУМ...»

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг адабиётга, жумладан, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ижоди ва илмий меросига жиддий эътибори туфайли мамлакатимизда буюк аждодимизнинг босиб ўтган ҳаёт йўлини, кўп қиррали илмий-ижодий фаолиятини ўрганиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Муҳтарам Президентимиз ташаббуслари билан Тошкент шаҳридаги "Адиблар хиёбони"да унинг маҳобатли ҳайкали қад кўтаргани ва бу буюк шахснинг илмий мероси кенг миқёсда ўрганилаётгани қувонарлидир.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўттиздан ортиқ тилларга таржима қилинган "Бобурнома" асари муаллифи, беназир шеърий мерос – икки девон тузган, аруз илмига оид махсус рисола, қонунчиликка оид маснавий – "Мубаййин", "Волидия" асари шеърий таржимаси, "Хатти Бобурий" номли алифбо ихтирочиси ҳамда бизгача етиб келмаган "Ҳарб иши", "Мусиқа илми" каби илмий асарлар муаллифидир. Ўзбек тилида аруз илмига оид энг мукаммал деб ҳисобланган "Аруз рисоласи"ни яратган. Ушбу рисолада буюк шоирлар асарлари қаторида унинг ўз шеърлари ҳам салмоқли ўрин тутади. Шеър ёзиш унинг учун ҳавас эмас, балки "ўз таъби" – диди ва "ҳолати" – аҳволини баён этиш воситаси бўлган. У ёзган эди:

Дўстларнинг сухбатида
не хуш ўлғай аҳси шеър,
То билингай ҳар кишининг
таъби бирла ҳолати.

Лекин Бобур ўз даврида мумтоз шеърият анъанасига мос тўлиқ девон туза олмаган. Шунинг учун ёзган:

Девонима не рабту не тартибдурур,
Не жадвалу не лавҳу не тазҳибдурур.
Гар санга йибордим ани, айб айламаким,
Девонангни тиларга такрибдурур.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг шеърий мероси юксак бадиий савияда ёзилганлиги учун ҳам мумтоз ўзбек шеърияти тарихида ўз ўрнига эга. Муаррих Мирза Муҳаммад Ҳайдар ўша даврдаёқ Заҳириддин Муҳаммад Бобурни шоир сифатида Алишер Навоийдан кейинги ўринга қўйган эди. Бу бежиз эмас. Бобурнинг Рампурдаги кутубхонада сақланаётган ноёб қўлёзмасида қуйидаги фикр ёзилган:

Ҳар вақтки кўргасен менинг сўзимни,
Сўзимни ўқуб соғинғайсен менинг ўзимни.

"Вақоеъ" ёки "Бобурнома" номи билан машҳур бўлган шоҳ асари – қалб дафтари, жаҳон тарихи, манбашунослиги ва адабиётининг ноёб ёдгорлигидир. Унда XV аср охири, аниқроғи 1494 йилдан 1529 йилгача Фарғона, Мовароуннаҳр Кобул, Хуросон ва Шимолий Ҳиндистонда бўлиб ўтган сиёсий воқеалар, мамлакатларнинг географик ҳолати, шаҳарлар тарихи, халқи, урф-одатлари, наботот ва ҳайвоноти тўғрисида кимматли маълумотларни ўзида жамлаган. Асарда тарихий-сиёсий воқеалар йилма-йил аниқлик билан, муаллиф ҳаёти ва сиёсий фаолияти билан боғлиқ ҳолда баён этилган. Воқеаларнинг асосий иштирокчиси ва гувоҳи Бобурнинг ўзи бўлиб, унда баён этилган воқеаларнинг тўғри ва ҳаққоний бўлишига интилган муаллиф шундай ёзган эди: "Битилганлардин ғараз шикоят эмас, рост ҳикоятурким, битибтурмен". Бошқа бир ўринда бу асари ҳақида шундай фикр билдирган:

Бу олам аро ажаб аламлар кўрдум,
Олам элидин турфа ситамлар кўрдум.
Ҳар ким бу "Вақоеъ"ни ўқур, билгайким,
Не ранжу меҳнату не ғамлар кўрдум.

"Бобурнома" жаҳоннинг ўттиздан ортиқ тилларига таржима қилинган, шу жумладан, форс тилига тўрт марта, инглиз тилига уч марта, француз тилига икки марта ўгирилган. Буюк бобурий ҳукмдор Жалолиддин Муҳаммад Акбар саройида асарнинг форс тилидаги таржима нусхалари замонасининг энг моҳир хаттотлари томонидан кўчирилган ва беш юздан ортиқ миниатюралар билан безатилган. Ҳозирги кунда "Бобурнома" асари дунёнинг энг нуфузли йигирма бешта музей ва кутубхоналарида, хусусан, Британия музейи, Париждаги Лувр музейи ва Миллий кутубхона, Москвадаги Шарқ санъати музейи, Дехлидаги Миллий музей ва бошқа шахсий мажмуаларда сақланмоқда. Бобуршуносликнинг ютуғи бўлган икки йирик асар – "Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси" (2014, 2017 йилги нашрлари) ва "Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурийлар. Библиография" (Москва, 2016, ўзбек, рус, инглиз тилларида, 1184 бет)да бу даҳо шахс ижодининг ўрганилишига оид тадкикотлар маълум даражада умумлаштирилган. Бобур меросини ўрганиш Ҳиндистон, Афғонистон, Буюк Британия, Америка Қўшма штатлари, Франция, Туркия ва бошқа мамлакатларда давом этмоқда. Бугун интернет тармоғида, турли тилларда унинг ҳаёти, ижоди ва фаолиятига оид материалларнинг эса сон-саноғига етиш қийин.

Абдумажид МАДРАИМОВ,
ЎзР ФА Темурийлар тарихи давлат музейи бўлим мудири

Бўкада амалга оширилган ишлар катта тарихий воқеа – Тошкент вилоятининг ўзига хос мўъжизасига айланди. Дастлабки босқичда муайян ишларни амалга ошириш учун маҳаллий бюджетдан ўн миллиард сўм маблағ ажратилгани кўпчиликда катта умид ва ишонч уйготди. Бу янгиланаётган Ўзбекистоннинг кичик гўшасидаги катта ўзгаришларга замин бўлди.

ОБОДЛИК МАНЗУМАСИ

Бўкадаги бунёдкорлик ишлари ободлик манзумаси янглиг диллардан дилларга кўчиб ўтаётир.

ИФТИХОР

Энг муҳими, одамлар беш ташаббуснинг мазмун-моҳиятини тўлақонли тушуниб етдилар. Дастлабки даврда бундай саъй-ҳаракатларга ишончсизлик билан қараганлар ҳам топилди. Аммо ишлар тез ва жадал илдамлаб кетгач, кўпчиликнинг кўнглида умид шуълалари чараклади, ташаббусга хайрихоҳлар кўпайди. Мазкур тадбирлар доирасида ўрта умумтаълим мактабларида олиб борилган кенг қамровли ишлар кўпчиликнинг эътиборига тушди. Турли маданий тадбирлар, маърифий учрашувлар ташаббусга қанот бағишлади. Тумандаги мавжуд 49 та мактабнинг барчасида "Санъат ғунчалари" тўгараги ташкил этилди. "Ҳар бир оила – тадбиркор!", "Ёшлар – келажагимиз!" давлат дастурлари доирасида чора-тадбирлар белгиланиб иш олиб борилди.

— Бўкага келиб бир нарсага амин бўлдимки, – дейди Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Шерзод Шерматов, – одамларнинг кайфиятини кўтариш учун уларга эътибор ва ғамхўрлик жуда муҳим экан. Президентимизнинг ташаббуси билан мактаб ўқитувчилари ва директорларининг ойлик маошлари оширилди, ўқитувчининг жамиятдаги мавқеи, обрўси юксалди.

Бундан руҳланган халқ таълими ходимлари, ўқитувчилар енг шимариб ишга киришди. "Маърифат карвонлари" туманнинг энг чекка ҳудудларигача етиб боргани барчани қувонтирди. Ўрта умумтаълим мактабларида ўттиздан ортиқ фестиваллар ўтказилди. Туманнинг тўртта ҳудудига тўрт номдаги 196 та мусиқа асбоблари етказиб берилди. Айниқса, мактаблар 375 та замонавий компьютер техникаси, 98 та сўнгги русумдаги тикув машинаси билан таъминлангани нур устига аъло нур бўлди.

Китоб – билим хазинаси. Уни ҳеч қандай бойлик билан ўлчаб бўлмайди. Бўкага юборилган китоблар карвони, энг аввало, мактаблар бағридан жой олди, Президент совғаси – 8135 дона китоб ажойиб маънавий бойликка айланди. Таълим муассасаларида ўтказилган китоб акциялари кутубхоналарни янада бойитди. "Мен мактабимга китоб совға қиламан" рукнида 4850 та, ҳомийлар томонидан эса 5100 та китоб совға қилинди.

Китоб акцияси давомида туман мактабларида "Китобхон ўқувчи" танлови ўтказилиб, унда ҳар бир мактабнинг учтадан, жами 147 нафар фаол ва зукко китобхони аниқланди. Китобхон ўқувчиларни рағбатлантириш мақсадида Самарқанд шаҳрига саёҳат уюштириладиган бўлди. Ёзувчи ва шоирлар билан ўтказилган учрашувлар, китобхонлик кечалари бўкаликларнинг бу борада анча фаол эканини кўрсатди.

— Туманимизда ташаббус бошлангунга қадар 116 та тўгарак фаолият юритган бўлса, ҳозирга келиб тўгаракларимиз сони 476 тага етди, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Умид Султонов. — Ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, иқтидорли ўқувчиларни кўпроқ аниқлаб олиш асосий мақсадимиз. Шуни ҳисобга олиб, ёзги оромгоҳларда ҳам тўгараклар ишини узлуксиз олиб боришга ҳаракат қилдик. Спорт-соғломлаштириш ишлари ҳамиша эътиборимизда бўлади.

Тумандаги "Бўстон" маҳалласи ҳозирда улкан тажриба майдонига айланди. Президентимизнинг мазкур ҳудудга ташрифи чоғида зиёлилар, маданият ва маориф ходимлари билан диллашуви, ёшларга бўлган меҳр ва эътибори "Бўстон"ни чинакам бўстонга айлантирди. Ҳозирда маҳалла ҳудудида замонавий ёшлар боғи, маданият уйи қад ростлади. Халқ кутубхонаси, савдо маркази, гўзаллик салони, 7-оилавий поликлиника доимо халқ хизматида.

Замонавий услубда жиҳозланган маданият уйида эса 80 нафардан ортиқ болалар тўгаракларга жалб этилган. "Дугоҳ" халқ мақом ансамбли аста-секин шаклланиб боряпти. Президентимиз томонидан совға қилинган "ISUZU" автобуси санъатсеварлар хизматида.

Бундан ташқари 120 ўринли замонавий боғчанинг қайта реконструкция қилингани, Бўстон спорт мажмуасининг ўзига хос жозибаси, кутубхонанинг одамлар билан гавжум эканлиги кўнглимизга хуш кайфият бағишлади.

Тумандаги 27-мактаб ўқувчиси Фазилат Ёқубованинг номи эл оғзига тушиб улгурди. Юртбошимиз билан учрашув чоғида беш ташаббусга бағишлаб ўқиган шеъри давлатимиз раҳбарини севинтирди, мулоқотга тўпланганларни тўлқинлантириб юборди. Фазилат тимсолида ёш авлоднинг китобга бўлган меҳру муҳаббати намоён бўлди. Болаларимизни рағбатлантириш, уларга ишонч билдириш мақсадида Президентимиз томонидан "Кобальт" автомобилининг совға қилиниши, "Фазилат" номли кутубхонанинг очилиши унутилмас воқеа бўлди. Ёпларни қўллаб-қувватлаш, китобхонликни кенг тарғиб қилиш мақсадида ўтказиб келинаётган "Ёш китобхон" кўрик-танловлари юртимизда тобора оммалашиб боряпти.

— Қизимнинг китобга бўлган меҳри бўлакча, – дейди Фазилатнинг отаси Ҳикматилло Ёқубов. — Қўли бўшади дегунча китобга талпинади, китоб ўқишни доимий одатга айлантирган. Унинг зеҳнини, билимга бўлган иштиёқини кўриб ич-ичимдан севиниб кетаман. Муҳтарам Президентимизнинг эътибори ва ғамхўрлигидан бошимиз осмонга етди. Бундай ишончни оқлашимиз керак.

Бўкада бошланган саъй-ҳаракатлар бутун мамлакатимизга кенг ёйилди. Кичик бир шеърдан бошланган ҳайратлар бугун катта-катта достонларга, манзумаларга айланмоқда. Ободлик кўнгилдан бошланади, деганларидек, кўнгил ободлиги, дил чароғонлиги юртимизни мунаввар этмоқда.

Куни кеча Ёзувчилар уюшмаси "Китоб карвони" беш ташаббус доирасида Тошкент вилоятининг Бўка ва Зангиота туманларига ташриф буюрди. Ташриф давомида Бўка туманидаги Ахборот кутубхона марказига 3000 дона, Зангиота туманидаги "Беларик" маҳалла фуқаролар йиғини кутубхонасига 1000 дан ортиқ китоб тақдим этилди. Бўкада бошланган хайрли тадбирлар комиллик боғини мунаввар айламоқда:

Комиллик боғида ташаббус устун,
Олам ҳавас қилгай бугун "Бўстон"га.
Бир бора нигоҳ сол, яқин кел, дўстим,
Ободлик ярашган Ўзбекистонга.

Кўрсат ўзлигингни, эй озод юрак,
Янгидан яралди Ватан сиймоси.
Бу юртга энг аввал муҳаббат керак,
Меҳрдан туғилган дил манзумаси.

Ашурали БОЙМУРОД

ВАТАН, МЕҲРИНГ БИЛАН УЛҒАЙДИМ, ЎСДИМ,



Усмон АЗИМ,
Ўзбекистон халқ шоири:

– Адабиётимизнинг келажаги бўлган сиз, ёш ижодкорлар адабиётдаги аҳвол, уни яратишга уринаётганларнинг ижодий тақдири ҳам жуда яхши маълум. Ҳақиқатан ҳам, бизда илҳомлари бир "баҳор"-лик — ёшликнинг завқи-шавқи билан билан биргина гуллаб қолишга улгурган шоирлар кўпчиликни ташкил этади.

Асар ёзиш эса илҳом завқи аралашган машаққат. Бутун бир ижодий умр даврида ҳар бир янги асарни ёзиш бу жараённи қайта-қайта амалга ошириш учун ижодкорга кўп фазилатлар йўлдош бўлиши зарур. Масалан, ўзининг ёзганларидан қониқмаслик, янада мукаммаллик сари интилиш, жаҳон адабиётини ўз адабиётидек ўзлаштириш, дунёдан ва ўзидан тинмай дарс олиш...

Ёш ижодкорларга ана шундай фазилатлар ёр бўлишини тилайман.

СУЯНЧ ТОҒЛАРИМ

Ота, йиллар, оқарган сочлар,
Сизнинг эмас, менинг ёшларим.
Ўсган менинг бўйларим эмас,
Сиздан олган чин бардошларим.

Она, қошу кипригингизни
Йиллар олиб менга бермоқда.

Сиз ёшликда тушган суратга,
Менинг чеҳрам ўхшаб бормоқда.

Опа, бизлар талашган кўйлак
Қолди онам сандиқларида.
Ундай гўзал либос топмадим,
Бу дунёнинг молу зарида.

Ука, бўйинг ўстирар йиллар,
Мақсадга айлансин қадамлар.
Юрагингда виждонни сақла,
«Ота ўғил!», десин одамлар.

Жон опамсиз, жонжигар укам,
Ота-онам берган бойлигим.
Қадрингизни сезиб турсам-да,
Ҳеч қолмайди эркатойлигим!

Гулзода ҚАҲРАМОНОВА.
Сирдарё

КЕЛГАНИМ

Ялпизга шеър айтдим,
Тонгда туриб мен,
Бир қиқир-қиқирлаб кулишсин, дедим.
Сара шеърлар айтдим, тоза шеърлар – энг...
Менинг келганимни билишсин, дедим.

Тескарига буриб чархпалакларни,
Рангини бойитдим камалакларнинг,
Чўчитиб юбордим капалакларни,
Менинг келганимни билишсин, дедим.

Теккан жойини гул қилади чақин,
Бари сулув қизлар кўнглимга яқин,
Телба ошиқларнинг сафига ёлқин –
Менинг келганимни билишсин, дедим.

Кўкламнинг гуллаган пайти келгандай,
Турна ўз қўшиғин айтиб келгандай,
Тойлар тулпор бўлиб қайтиб келгандай –
Менинг келганимни билишсин, дедим...

Иқбол ЮСУФ.
Фарғона

ТЕНГДОШЛАРИМГА

Ҳар бир ёш юракка саждагоҳ Ватан,
Қорачиғдек азиз ҳар қарич тупроқ.
Бу элга боболар заҳмати синган,
Аждодлар – ғурурдир, қадрият – байроқ.

Жаҳонга зиёси таралган замин,
Ниҳол бўй таратиб топсин ўзликни.
Олам зеҳнимизга бўлганда амин,
Олам яна бир бор кўрсин ўзбекни.

Ким савол ўрнида юзланса шу топ,
Дилларда тирилсин ўчмас ёдимиз.
Буюк шажарадан берингиз изоҳ,
Буюк аждодларнинг зурриёдимиз!

Хорун ЎРИНОВ.
Хоразм

ОЙ

Тун чироғи ёна бошлади,
Шуълалари ажиб бежирим.
Мажнунтол ҳам сочин ташлади,
Сукунат жим, тишлаган тилин.

Тонг саҳарлаб қайтамиз дея,
Ваъда қилиб кетди кундузлар.
Кўкка секин сузиб кирмоқда,
Зар либосли митти юлдузлар.

Моҳим, сенга бир ўтинчим бор,
Яширганман юрак қатига.
Юр, кетамиз тушларимизда
Эртакларнинг мамлакатига.

Моҳинур ҚУДРАТОВА.
Қашқадарё

АРҒИМЧОҚ

Учта гўзал сулув қиз
Учар эди арғимчоқ.
Бир пари арғимчоқдан
Йиқилиб тушди бироқ.
Ерга ўтириб секин,
Ўзи ёлғиз йиғлади.
Қизгинанинг кўзёши
Юрагимни тиғлади.
Охири, ҳеч чидолмай
Қизнинг ёнига бордим.
Сал бўлса-да юпатиб,
Унинг кўнглини олдим.
Энди ҳар кун, ҳар соат
Кенг осмонни кучяпмиз.
Ўша сулув қиз билан
Арғимчоқда учяпмиз.

Фахриёр БАХТИЁРОВ.
Навоий

Уйда таъмирлаш ҳақида сўз очилдими, бувим ва дадамнинг баҳслари бошланиб кетади:

– Бу ғиштларни ўзгартирмасдан таъмирласанг, майли, таъмирлайвер. Ҳа-я, дарвозага тегма. Уни раҳматли

СЕН

Сен жимгина кирдинг умримга –
На ҳаяжон, на-да бир титроқ.
Нигоҳингда муҳаббат эмас,
Умидсизлик бор эди кўпроқ.

Жим термулдинг, осмон ҳаддини
Қидирган бир телба одамдай.
Мен бу ерлик эмаслигимни
Қайси журъат билан мен айтай?

Ўгирилдим ва қанотимни
Ечиб бердим кабутарларга.
Бундан кейин ҳеч қандай ришта
Мени боғлаб турмас уларга.

Айланди ой, айланди йиллар,
Менга маъюс қараб қолдинг жим.
Кўзларингда муҳаббат ҳамда
Кезиб юрар эди аллаким.

"Хайр, яна алвидо, хуш қол" –
Кўзларимга келмади йиғи.
Лек қалбимни тилиб бўлганди
Сўзларингнинг синиққан тиғи.

Кетаман, деб силжий олмадинг,
Не синоат бўлди бу, – дединг.
Оёқларинг ildизга дўниб,
Сен дарахтга айланган эдинг!

Саодат ФАЙЗИЕВА.
Бухоро

ҚИЗ ЎЙЛАРИ

Оқшом. Рўмолини аста ечар ой,
Анҳорга солади аксини аста.
Иффат пардасидан секин мўралаб,
Бир қиз хаёл сурар, қалби шикаста:
"Хаёл бўлсайдим,
Хаёл бўлсайдим..."

Бир наво чалади субҳнинг еллари,
Сўнг аста тебраниб тинглайди очун.
Нигоҳда орзиқиш, қалбида умид:
"Бир бора севгимни етказиш учун
Шамол бўлсайдим,
Шамол бўлсайдим..."

Баланд чўққиларга чиқмоқлик душвор,
Қиз яшар кўзига тоғини қамаб:
"Ишқнинг оламига рухини бериб,
Бутун вужудини ололган қамраб –
Хаёл бўлсайдим,
Хаёл бўлсайдим..."

Мухтасар КАРИМОВА.
Тошкент вилояти

КУЗ ХАЁЛЛАРИ

Хазонрез боғларда кезаман танҳо,
Сукунат, чексизлик домига тортар.
Барглар орасига қўнган шафақнинг
Ноз ила ташлаган жилоси ортар.

Бу не тилсим ахир, бу не синоат,
Нечун юрагимни маҳф этди буткул?
Қувраган баргларда қандай ҳикоят?
Саволлар чулғайди, сўроқлар нуқул.

Ҳар япроқ тушиши ажиб куй ғўё,
Ошуфта кўнгилни севармиш беҳад.
Оғушингда оқиб кетяпман дунё,
Заъфарон кўнгил деб камситма фақат.

Эй кўнгил, оҳимни тинглагин бироз,
Шикаста қалбимни минг пора этма.
Қалбим осмонида айлагин парвоз,
Мендан олисларга йироқлаб кетма.

Дединг: «Айтгин ахир, кимнинг дарди йўқ,
Кимлар бу оташин ўтда ёнмаган?
Кимларнинг қаддини эгмади бу юк –
Қисмат қузи кимга соя солмаган?»

Айладим умидим янгидан бунёд,
Асло армонларга бўйин эгмайман.
Бағрингда улғайдим, мунаввар ҳаёт,
Боқий муҳаббат-ла, севиб яшайман.

Камола АМИРОВА.
Сурхондарё

ДАРВОЗА

Кичик ҳикоя

катта бобом ўз қўллари билан ўрнатганлар.

– Ойи, таъмирлагандан кейин эски дарвозани қолдиришга бало борми?! Катта бобонгиз ўрнатганларига ҳам бир асрдан ошди-ёв. Ҳозир шундай ажойиб дарвозалар ясаляптики!

– Йўқ, уларнинг ҳеч бири бундай бўлолмайди...

Хуллас, ҳар кун бахс шундай бошланиб, дадамнинг дарвозани "тақ" этиб очиб чиқиб кетганлари, бувимнинг эса ҳоналарига кириб, чуқур хаёлга толишлари билан ниҳояланарди.

Бу тонг ҳам худди шундай бошлангач, мен, биринчи синфнинг энг шўх йигитларидан бўлган Жасурбек, ташқарига чиқиб икки қўшнимизнинг данғиллама дарвозалари орасида қисилиб қолган дарвозамизга тикилиб қолдим. Қуббалари қуёш нурлари туфайли ўз рангини йўқотган, нақшлари гарчи ўчиб кетаётган бўлса-да, аммо ҳамон асрлар ифорини ўзида мужассам этган бу эшик фильмлардаги сеҳрли дарвозаларни эслатарди. Шуларни ўйлаб, кўча бошига одимладиму сирли товушлар ортга қарашга мажбур қилди:

– Мен энг қиммат, салобатли дарвозаларданман, – дея гап бошлади қўшнимиз Акбар аканинг дарвозаси.

– Мен эса сизнинг янги авлодингиз бўлганим учун янада мустаҳкамрок ва кимматрокман, – хохолаб одамнамо қулди чап тарафдаги Хуршидларнинг дарвозаси.

Юрагим тарс ёрилиб кетадигандек. Ахир, ҳар кун ҳам сеҳрли дарвозалар суҳбатини эшитмайсан, киши. Қизиқ, бу кун уларнинг суҳбатини эшитишимда қандай каромат бор экан? Узук-юлуқ фикрларимни бу икки дарвоза ўртасида турган бизнинг дарвозамиз бўлиб юборди:

– Мен салобатим билан ҳам, нархим билан ҳам мақтана олмайман. Бироқ айтишим мумкинки, бутун бир оила тарихининг гувоҳиман. Гўзал муҳаббатни ҳам, очлигу тўқликни ҳам кўрдим. Уруш йилларида бошпанасизларга бағримни очдим, бегоналарнинг яқинга айланганини, бир нонни барчага бўлиб едирган оналарни кўрдим. Менда тарих қолдирган доғлару хотиралардан бошқа ҳеч нарса йўқ. Баданимда бу оила аждодларининг қўл излари акс этган.

– Сиз орамизда энг кимматимизсиз, – ҳавас билан бизнинг дарвозага тикилди қолганлар.

– Эҳ, ёшлар, ёшлар, – кулимсиради дарвозамиз, – нарх-наво ортидан чопиб, у билан бирор нарсани ўлчаманг. Муҳими, ҳаётда из қолдириб, бировга керакли бўлиш, шу билан бирга, кимларга қучоқ очиб, кимлардан уй аъзоларини ҳимоя қилишни билишдир. Ҳар бирингиз хонадонлар эшиги экансиз, янги тарих муқаддимаси ҳам сизлар. Бу уйларнинг кейинги авлодлари сизларга қўл теккизганида, бутун оиласи тарихини ҳис этсину бутун аждодлар кучи борлиғига сингиб кетсин.

Душанба куни ҳаммадан кейин уйдан чиқиб, мактабга боришдан олдин сеҳрли дарвоза тамбасига қўл теккиздиму ажиб ҳисни туйдим: унда тарих сўзларди, менинг аждодларим, оилам тарихи. Унда асрлар аро бизни боғлаб турувчи яқинлик – олов қалб тилга кирганди. Мен шу чоқ бободларим ҳақида жуда кам билганимдан уялиб кетдим. Зеро, ҳар қандай буюк келажак тарихингизни англаб, аждодларингизга муносиб авлод бўлиб етишишни истаганингиздагина яратилади. Шу кундан оилам тарихини ўрганишга карор қилдим. Ахир, менинг тарихимни кўҳна дарвоза билсаю ўзим билмасам, уят бўлмайдими?

Рушана НАБИЕВА.
Бухоро

НОМИНГНИ УЛУҒЛАР ҲАР АЙТАР СЎЗИМ

Азиз ўғил-қизларим, ҳеч қачон унутманг, халқимиз, Ватанимиз сизлардан буюк ишларни кутмоқда.

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири:

– Бизда азал-азалдан устоз ва устод деган тушунчалар бор. Айни чоғда шогирдига ижод ёки илм сирларини ўргатаётган зот устоз аталса, дунёдан ўтиб кетган улуғ алломалар ва шоирларимизни устод, деймиз. Ўйлайманки, катта умидлар остонасида турган, бугунги анжуманда қатнашаётган ёш ижодкорлар қанчалик кўп ўқиб, ўрганса, қолаверса, катта устозлар этагидан тутса, асло кам бўлмайди. Зеро, бизда ҳаётда ҳам, ижодда ҳам ёшларга намуна бўла оладиган устозларимиз етарли.

Ёшларимизга айтадиган яна битта муҳим гапим, минг йилларни қамраб олган катта адабиётимизда ўтган буюк зотларни, жумладан, Навоий, Бобур каби устодларни ҳам қайта ва қайта ўқишлари ва уқишларини маслаҳат берардим.

Абҳиманю АНАТ,
Ҳинд адиби

БИР ЧИМДИМ ЁРУҒЛИК

Ҳикоя

Ўша куни уйимизда умуман гуруч қолмаганди. Онам: "Бўлмагани ҳам тузук", дедилар. Чунки гуручни пишириш учун ўчоққа олов ёқиш керак бўлади – демак, гугурт топиб келиш лозим. Шу сабабли онам мамнун бўлиб мен олиб келган папита[1]ни олдиндан тўрт бўлакка бўлиб қўйди – биз тўртталамиз учун.

Опам тўққиз ёш – мендан бир ёш катта. Унга папита умуман ёқмайди, аммо ҳаддан ташқари очиққанда хом папитани ҳам ейди. Отам папитани қўлга олиб: "Оч қорингга ҳаво тўлиб турганида папита зарур озуқа вазифасини бажаради", дерди. Ганеши Мехто соҳиб ҳам папита соғлик учун жуда фойдали бўлади, деб айтарди.

Олти йилдан буён отам хаста ётибди. Бир неча кундан бери тинимсиз папита еса ҳам у тузалмасди. Онам гуруч бўлмаганидан кейин гугуртнинг кераги йўқ, деб ҳисобларди. Отам ётган хонадаги ғира-шира қоронғулик ғашига тегди шекилли, хонани ёритишимизни сўради. Онам типирчилаб мени гугурт олиб чиқиш учун қўшни уйга киритди.

Ёнимизда жаноб Ганеши Мехто яшарди. У киши биз билан жуда иноқ эди. Мен уникига кирганимда хонасидаги шам липиллаб сўнгги «нафаси»ни олаётган экан. Гугурт сўраганимдан сўнг Ганеши Мехто у ёқ-бу ёққа кўз югуртирди. Бир қутичани очиб қаради, аммо бўш эди. Уриниб-туртиниб бурчакдаги катта шкафни очди. Шундай катта шкаф бўм-бўш, ичида ҳеч нарса йўқ. Гугурт топилмагач, ундан сўрадим: "Амаки, бунча катта шкаф нега керак?"

У жилмайди. Жилмайиши хонасида ёнаётган шам ёруғидек кучсиз эди.

"Камбағалликни сақлаш учун, болам. Камбағаллик жуда катта нарса. У кичкина шкафга сиғмайди, сиғолмайди. Ҳеч вақоси бўлмаса ҳам унинг дарди жуда катта".

Ганеши Мехтонинг бу сўзларини кафтимда маҳкам тутганча қоронғу уйимизга қайтиб кетдим.

[1] мева

Ҳинд тилидан
Нурхон Ёқубова таржимаси.

Жиззах

ЧАРХИЙ ДЕВОНИ

XX асрда мумтоз адабиёт анъаналари

XX аср Қўқон адабий муҳитининг йирик вакилларидан бири Асқарали Чархий халқ ичидан чиққан, унинг орзу-истакларини билган шоир эди. Асл касби косиб бўлган. Унинг ўзи ёзиб қолдирган таржимаи ҳолда 1938 йилдан бошлаб, "Янги Фарғона" газетасида шеърлари чиқа бошлагани ҳақида маълумот берилган. Аммо Пўлотжон Қаюмовга тегишли "Тазкираи Қаюмий"нинг 6-дафтарида ижодкор ҳақида шундай хабар берилган: "1919 йилдаёқ бадиий шеърлари тарқала бошлади, 1938 йилда шаҳарнинг маъруф шоири бўлуб танилиб бўлди". Чархийнинг "Девон", "Зебо Қўқон", "Алихўжа-Хўжаали", "Бешигингда ётмайман", "Қиёлаб ўтди" каби шеърлар ва ҳажвиялар тўпламлари нашр қилинган.

Шоир Қўқондаги Муқимий музейида илмий ходим бўлиб ишлаш асносида мумтоз адабиётни чуқур ўрганди. Анъаналарни давом эттириб, "Девон" тузди. Шарқ адабиёти тарихида энг мукаммал девон саналган "Хазойин ул-маоний"да 16 та жанр ўрин олган бўлса, Чархий девонида 9 та жанрдан фойдаланган. Чархий девони дебочаси насрда, баъзи ўринларда шеърий парчалар билан берилади. Шоир камтарлик билан ўз "Девон"ининг тузилиш сабабини шундай ёзади:

Ҳар киши ҳам сенда бисотин ёзур,
Билса ғазал, билмаса отин ёзур.

Девон тузилиши талабига кўра, шеърлар қофия ва радифнинг охирги ҳарфига қараб тартиб билан жойлаштирилган. Улар, асосан, арузнинг "Рамали мусаммани маҳзуф ва ҳазажи мусаммани маҳзуф" баҳрларида битилган. Ғазаллар ишқий, ижтимоий, ахлоқий мавзуларда бўлиб, уларнинг ўзига хос аҳамияти тобора унут бўлаётган мумтоз лирика анъаналарини давом эттиришга хизмат қилаётганидадир. Албатта, ўз давридан илҳомланиш, унинг ғоялари, қарашлари ижодкорга таъсир кўрсатган. Бундай таъсирлар ижтимоий мавзудаги ғазаллар, мураббa, мухаммас, мусаддас, маснавий, айниқса, ҳажвиётда кўзга ташланади.

Шоир ижодининг дастлабки даври, яъни йигирманчи йилларда ишқ мавзуси етакчилик қилганини кузатамиз. Унинг 1926 йилда ёзилган "Муҳаббатнома" ғазали матласи дунёвий ишқ ҳақида сўзлаётгандек тасаввур уйғотади:

Йўқдир армони кишининг бўлса
сендек дилбари,
Меҳрибон ҳам вафодор
мурувватпарвари.

Кейинги байтларда лирик қаҳрамон ёр ҳижронида синовлардан ўтаётган ошиқ сифатида гавдаланади. Мақтадаги мазмун эса ошиқнинг ишқи орифона эканидан дарак беради:

Ишқ водийсини дил
сен раҳнамосиз кезмагай,
Йўлдан озгай ҳар киши
йўқ бўлса ишқнинг раҳбари.

Байтда ёрнинг ошиққа раҳнамо бўлишини исташи муршиднинг пирга бўлган ихлосини эслатади. Демакки, ёр фақат маҳбуба эмас, унга йўл кўрсатувчи ҳамдир.

Ошиқона ғазалларда дунёвий ишқни куйлаш баробарида мумтоз лирикадагидек бахтсиз севгидан азият чекилмайди, чунки Чархий яшаётган давр учун ошиқ ёр ҳижронида куйиб адо бўлиши эмас, висолга эришиши лозим эди.

40-йилларда Чархий ижтимоий мавзуларга мурожаат этади. Буни турлича изоҳлаш мумкин. Унинг илк ижодий ишлари ёшлик завқи, у танишиб бораётган Жомий, Навоий, Фузулий, Фурқат, Муқимий асарларидан таъсирланиш билан боғлиқ эди. Ўзи айтганидек, 1938-39-йилдан бошлаб "Янги Фарғона", "Муштум" нашрларида кўрина бошлагани уни ижтимоий ҳаётга кенгроқ кириб бораётганидан дарак берарди. Бу даврда у Ватан, уруш ва тинчлик мавзуларига, меҳнаткаш халқни куйлашга, Фарғона атрофидаги жойларнинг ҳаёти билан боғлиқ лавҳаларга кўпроқ эътибор қаратди.

60-йилларда шоир лирикасида табиат тасвири ва яна ишқий мавзуга мурожаат кенгроқ усулда берилди. "Баҳор тароналари", "Қиёлаб ўтди", "Жоним нисор ўлсин", "Қутлуғ анжуман", "Дўстларни кута-кута" каби ғазалларда дунёнинг ўткинчи ҳодисалари, яъни тузумни куйлаш эмас, муқим яшаб қолувчи, абадий қадр топган туйғулар ҳақида мисралар битди.

Ижодкор маҳорати бадиий санъатлардан нечоғли фойдалана олиши билан ҳам белгиланади. Чархий шеъриятида муболаға, талмеҳ, ташбиҳ, тазод, риторик мурожаат, тажоҳули ориф, тамсил, мукаррар лафз, истиора, ирсоли масал, савол-жавоб каби бир қанча санъатлардан самарали фойдаланилган.

Сунбулни бўйи тарқаб
олам муаттар ўлди,
Сочи магар чамандин
гулни аролаб ўтди.

"Қиёлаб ўтди" ғазалидан келтирилган бу байтда ёр чаман ичидан гулларни оралаб ўтаётиб, сочи уларга тегиб кетди, натижада сунбулнинг бўйи оламни муаттар қилди, дейилмоқда. Мумтоз адабиётда сунбул мажозан маъшуқанинг сочи. Чаманда ўша хушбўй чирмовуқ гул (сунбул) бўлмаганда ҳам, ёрнинг сочидан сунбул бўйи таратаверади. Демакки, бир томондан ташбиҳи машрут (шартли ташбиҳ) санъати қўлланмоқда, яъни сунбул сочга ўхшатилмоқда, иккинчи томондан гул ўз маъносини сақлаб қолмоқда.

Шоирнинг "Шарму" номли ғазали эса бошдан-оёқ тамсил санъати асосига қурилган. Ҳар байтнинг биринчи мисрасидаги фикрга иккинчи мисрада далил келтирилади:

Хушсухан ҳозиқ даволар
сўз билан беморини,
Дору бўлгандек синиқ
ҳар устухонга мўмиё.

Чархий ўзидан олдинги ва замондош шоирлар ижодидан таъсирланиб, Абдураҳмон Жомий, Лутфий, Навоий, Увайсий Сурманисо, Маъдан, Муқимий, Ҳувайдо, Собир Абдулла ғазалларига мухаммаслар боғлаган. Хусусан, Муқимий ижодига бир неча бор мурожаат этган. Бу унга маҳорат синови бўлиб хизмат қилган. Зеро, мустақил мухаммасларидан фарқли ўлароқ, бошқа муаллифга тегишли асарни кенгроқ шарҳлаб бериш нисбатан мушкул иш.

Ёр бўлсин сенга, ёрим,
бахт-иқбол, ўргилай,
Кўрганимда сўз деёлмай
тилларим лол, ўргилай,
Мунча ҳам ширин забонинг,
суҳбатинг бор, ўргилай,
Қоматингдин боғ аро
сарв сиҳи дол, ўргилай,
Гул юзинг кўргач, магар
ошифта аҳвол, ўргилай.

Юқорида келтирилган мухаммас Муқимийнинг "Ўргилай" радифли ғазалига боғланган. Унга қўшилган уч мисра ғазал "рамали мусаммани маҳзуф" вазни ва баҳрига мувофиқ ёзилган. Мисралардаги радифдан олдин келган "иқбол", "лол", "бор", "дол", "аҳвол" сўзлари ўзаро қофияланган. Аммо равий вазифасини бажараётган "л" товуши ўрнига 3-мисрада негадир "р" (бор) қўлланган. Назаримизда, девон нашри жараёнида "бол" сўзи "бор" тарзида хато кўчирилган. Боиси, ёрнинг тили ширинлиги ҳақида сўз кетаётганда унинг суҳбати болга, яъни асалга қиёсланиши, суҳбатни бор этишдан кўра мазмунга кўпроқ энади. Асл манбани кўролмаганимиз сабабидан тўла хулоса чиқара олмадик.

Хулоса ўрнида Чархийнинг ўз сўзларини беришни жоиз топдик: "Классик адабиётимизга ҳурмат кўзи билан қараганимдан аруз вазнининг ўйноқи, киши қалбига тез етиб борувчи турларидан ижодий фойдаландим ва уни янада ривожлантиришга интилдим". Чиндан ҳам, у XX аср ўзбек адабиётида арузни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган шоирдир.

Дилноза РУСТАМОВА,
танқид ва адабиётшунослик
йўналиши бўйича семинар
иштирокчиси.

Тошкент шаҳри

БАХТ КАЛИТИ

Эртак

Ўрмонда бир тошбақа яшар экан. У атрофни кузатиб негадир ўзини жудаям бахтсиз ҳис қилибди. "Мени қушларникидай ширин овозим йўқ, бошқа момиқ ҳайвонлар сингари тез ҳам югуролмайман. Йиртқич ҳайвонларникидек ўткир тишларим ва панжаларим йўқ", деб тушкунликка тушибди.

Ўзининг бахтсиз эканини айтиб шикоят қилибди. Бир умр елкамдаги тош косамни судраб юришга мажбурман, деб Она табиатга арз қилибди.

Шунда Она табиат унга имкон бермоқчи эканини, фақат бахт калитини топиб келишини, у ўрмон четидаги қурбақалар яшайдиган ботқоқлик ичига тушиб кетганини айтибди.

– Ўша калитни олиб келсанг, мен сенга ўзинг хоҳлаган бахт эшигини очаман, – деб ваъда берибди.

Тошбақа вақтни пайсалга солмай йўлга тушибди. Йўл юриб кетаверибди, кетаверибди. Ёнидан бўри қуённи қувлаб ўтиб кетибди.

– Вой, бечора қуён, яхшиям қуён бўлиб туғилмабман, – дебди тошбақа ва йўлида давом этибди.

Бир пайт овчиларга кўзи тушибди. Улар бўрининг изини пойлаб унга ўқ узишибди. Тошбақа қўрққанидан тош косасига кириб олибди.

– Вой бечора, бўри... яхшиям бўри бўлиб туғилмабман, – дебди ва йўлида давом этибди.

Қушларнинг чуғурлашини эшитиб дарахтга қарабди, қараса, қушнинг инидаги митти полапонлар сари илон судралиб келаётган экан. Она қуш нима қилишини билмай атрофдаги қушларни ёрдамга чақирибди.

– Эх, яхшиям қуш бўлиб туғилмаган эканман, – деб йўлида давом этибди. Кетаверибди, кетаверибди ва ниҳоят ўша қурбақалар яшайдиган ботқоқликка етиб келибди. Ботқоқлик жуда ҳам чуқур ва бадбўй экан. У ердаги қурбақалар эса шу бадбўй ботқоқликда яшар эди. Тошбақа буни кўриб:

– Яхшиям қурбақа бўлиб туғилмабман, – дебди.

У қурбақалардан ботқоқликдаги бахт калитини олиб беришини илтимос қилибди. Қурбақалар сувга шўнғиб бахт калитини топиб чиқибди.

Тошбақа қараса, бахт калити сув тагида жудаям занглаб, яшил тусга кириб, сув ўтлари ёпишиб, эскириб кетган экан. Буни кўрган тошбақа ўзига ўзи дебди: "Бахт калитининг кўриниши шу бўлса, у очган эшик орти қандай бўларкин?! Йўқ, мен Тошбақа бўлиб туғилганимдан хурсандман! Менга бахт калитининг асло кераги йўқ!" У бошқа жонзотларни кузатиб, ўзининг тошбақа бўлиб яралганига шукр қилибди.

– Раҳмат сенга, Она табиат! Мени шундай яратганинг учун, – дебди. У ўзини борлигича яхши кўриб, бахтли ва узоқ умр кечирибди.

Тозагул ЖУМАНОВА.

Самарқанд

БОЛАЛИК

Қатра

Кўзларингни артиб ол, болалик. Ахир, сен йиғлаб турсанг, мен кетолмайман. Ёдингда бўлса, бу кунларни бирга орзу қилгандик-ку! Агар сен мунг аралаш нигоҳларингни тикиб тураверсанг, мен катта бўлишни истамайман-да. Далада ухлаб қолган шўхликларимни уйғотмай қўяқол. Эрта-индин баҳор келса, синглимни юбораман. Момақаймоқ териб, майсалар устида яйраб келади. Эсингдами, томидан чакки ўтадиган уйимиз. Ўшанда бувимнинг бағрида ётиб, сенинг қулоғингга истакларимни айтгандим. Ҳа, яхши эслайсан. Катта бўлишдек улкан орзум ушалмоқда. Лекин энди қўлларимдан қўлларингни ол. Илтимос, йиғлама, мен булутларнинг, осмоннинг боласи бўлиб кетсам, ранжима. Отам, онам бўйларимга кўз тикиб, иқболимни тилаб турибди. Тонгда ҳовлимизга кириб келма, уят бўлади. Дадам кўрса, нима дейман? Ҳовлимизни ким супуради, сенинг ортингдан югуриб юрсам? Сен бир пайтлар менга дунё рангларини ўргатгандинг. Биласанми, бугун кўнглимнинг рангини англадим. Қара, қандай зўр-а? Энди менинг ортимдан чопма. Қувлашмачоқ ўйнолмайман. Қўшни аёлларни яхши танийсан. Яна иккимизни бирга кўриб қолишмасин. Кел, кўз ёшингни артиб ол, болалик. Қалбимга тўкилса, бир умр сиёҳ бўлади. Мана тан олиб турибман-ку, ўзлигимни сен ҳадя қилгансан. Онам сенинг юзларингга маҳлиё бўлиб, этагимга кулча солиб қўйган. Бугун тақдир имтиҳонидан ўтказиб, кўнглимга кулча – қуёш солди. Энди нурларнинг акси дунё ёруғлигига ҳисса қўшмоқда. Ясаб берган арғимчоғингда учмоқни истасам, узилиб кетади. Яна сенинг қалбинг тори ҳам узилмасин. Ҳа, айтганча синглим бор. Танийсан-а? Иккимиз бирга капалак тутганимизда дунёга келган. Унинг қўлидан тутиб, етакла. Майли синглим ухлаётган шўхликларимни уйғотсин, табассумингдан баҳра олсин. Ахир, унинг ҳам сен билан дўст бўлгиси келади. Мен ҳам сизларни бирга кўриб тураман. Тушуняпсанми, барибир ёнимда бўласан. Қани, кўзларингни артиб ол, болалик!

Иродахон ОРИФЖОНОВА.

Андижон

Нафақат ўзбек адабиёти, балки жаҳон шеъриятининг улкан намояндаларидан бири Ҳазрат Навоийнинг эл-юрт ташвиши ва қайғусида кечган ҳаёти, яратган илмий ва бадиий дурдоналарини кўз олдимизга келтирганимизда бу даҳо ижодкорнинг ҳам шахсияти, феъл-атвори, яшаш тарзига, айниқса, оила қуриб рўзғор тебратишга унамай яшаганига оид мулоҳазалар ва баъзи бир изоҳталаб тарихий маълумотлар устида ўйланишга мажбур бўласиз. Нима бўлганда ҳам шу мавзу кишилар диққат марказида экан, бир тадқиқотчи сифатида мазкур саволларга жавоб топиш учун изланишга киришдим.

ҲАЗРАТ НАВОИЙ НЕГА УЙЛАНМАГАН?

Бу борада шўро даври навоийшунослари ва тадқиқотчи олимлари даҳо шоирнинг ҳаёти ва шахсиятига доир кўплаб маълумотларни эълон қилган. Бироқ уларнинг баъзи бирлари рост гаплар бўлса, айримлари тўқима-уйдирмадан бошқа нарса эмас. Тўғри, Ҳазрат Навоийнинг бир умр оила қурмай ўтгани тарихий ҳақиқатдир. Айни масала шу вақтга қадар кўплаб баҳс-мунозаралар, чалкаш ва хато қарашлардан холи бўлмади. Лекин масала асл баҳосини ва ечимини топмасдан қолиб келаверди. Ҳатто нозиктаъб ва инжакўнгил шоирни синаб кўриш ва ҳақиқатни билишга уринишлар бўлганлиги ҳақида турли-туман жоиз-ножоиз нақл ва ривоятлар тўқилгани покдомон, номусли зот шаънига қарата отилган маломат тоши ёхуд чиройли тарзда тўқилган бўҳтонлардан бошқа нарса эмас экан.

Шу ўринда далилларга мурожаат қиладиган бўлсак, тарихчи Зайниддин Восифий "Бадойеъ ул-бақоеъ" китобининг 14-бобини Алишер Навоийнинг мизожи нозик ва латофатига бағишлаб, 16-бобда унинг нафсоний шаҳват ва руҳий лаззатга майл-хоҳиши йўқлиги, лекин оила қуришга лаёқати бўлганини билдиради. Амир Давлатшоҳ Самарқандий "Тазкират уш-шуаро" китобида ҳазрат Навоийни "Низомиддин" нисбасини олган миллат ва диннинг низоми, деб улуғлайди. Абдураҳмон Жомий "Баҳористон" асарида: "Аммо шариф хотири (Алишер Навоийни айтмоқчи – Б.Э.) тавозеъ ва ўзи камсуқумлик фазилатларига андоқ берилганким, ўзини шу тоифа қаторида кўрар. Дунё лаззатларидан ўзларини четга тортганлар...", деб келтиради. Ҳазрат Навоий билан деярли бир замонда яшаган Заҳириддин Бобур "Бобурнома"да: "Алишербекнинг мижози нозук била машҳурдур. Эл назокатини давлатининг ғуруридин тасаввур қилур эрдилар. Андоқ эмас экандур, бу сифат анга жибиллий экандур. Самарқандда эрканда ҳам ушмундоқ нозук мижоз экандур", деб таърифлаб унинг уйланмай ўтганини: "Алишербек... ўғил ва қиз ва аҳлу аёли йўқ, оламни тавре фард ва жарийда (якка-ёлғизлик) ўткарди", деб маълумот ўрнида келтиради. Мирзо Ҳайдарнинг "Тарихи Рашидий" асарида: "Мир Алишернинг нозикликдан ва тез ранжишликдан бошқа айби йўқ эди", деб ёзади. Аслини олганда, шарқона одоб ва андиша ўзгаларнинг нозик жиҳатларига чуқурроқ кириб боришдан қайтаради ва бу ҳолда ҳад-чегарада туришни маъқуллайди.

Афсуски, шўро даври навоийшунослигида Навоий шахсияти ва таржимаи ҳолини ўрганишда ҳад-чегарадан чиқишдан ташқари бу инжақалб ва нозик табиат шоир шаънига нохолис ва қурақда турмайдиган шубҳа-гумон ва уйдирмалар айтилди. Холис айтадиган бўлсак, бу маълумот ва хабарлардан "навоийхон" ўқувчилар даҳо шоирнинг ижод уммонида яратилган беқиёс асарларини англашда заррача бўлсин наф кўрмаганлари ойдинлашди. Мумтоз адабиётимизга оид дарслик ва қўлланмаларда Алишер Навоий ижодий фаолиятининг таҳлилидан олдин яшаган даври ва оиласи ҳақида батафсил маълумот берилиб, Ҳусайн Бойқаро саройида бир умр нуфузли лавозимларда ишлаши қайд этилади. У шоҳ дўстини қўллаб-қувватлаб, ҳар доим ёнида турди, унга беминнат ва садоқат билан хизмат қилди. У Ҳусайн Бойқаронинг ўғли Бадиуззамонни ўзига тутинган фарзанд сифатида қарамоғига олиб тарбиялади. Ҳусайн Бойқаро дўстининг уйланмаслигига "этаги поклиги", нафсоний шаҳватга хоҳиши йўқлиги ва бутун диққат-эътиборини илм-фан равнақи ва шеърият юксалишига бағишлаганини бир ўринда сабаб қилиб келтириб ўтади. Тасаввур қилайлик-чи, шундай ҳурматга ва эътиборга сазовор зотни тафтиш қилиш ва унинг ҳаётининг нозик пардасини кўтариб, ичкарисига кириб боришга кимнинг ҳадди сиғарди?!

Хадичабегим Ҳусайн Бойқаронинг суюкли хотини бўлса ҳам бундай "имтиҳон"ни ўтказишга юраги дов берармиди? Аммо бу асоси йўқ тўқима ривоятларга нима дейсиз? Эмишки, Хадичабегим ўзининг жуда гўзал канизакларидан бири Давлатбахтни у зотнинг олдига жўнатади. Давлатбахт турли баҳоналар билан унинг уйида қолади. Эрталаб Давлатбахт Хадичабегим олдига қайтиб воқеани айтиб беради. Натижада Султон Ҳусайн мирзонинг фикри тасдиғини топиб, Хадичабегимнинг Алишерга ҳурмати янада ошди.

Ҳазрат Навоий ўз ҳаётида бирон қизни яхши кўрганми-йўқми, деган савол ҳалига қадар ўз исботини топган эмас. Ўзбек ва туркман фольклорида айни маънони очиб беришга хизмат қиладиган ривоятлар тўқилган бўлса-да, уларни тарихий далил ва ҳужжат сифатида қабул қилишга илм изн бермайди. Уларда Навоийнинг Гули деган севгилиси бўлгани, Алишер Ҳирот кўчаларида отда кетаётиб томда кир ёйиб турган у қизни кўриб қолиб ёқтириб қолиши баён этилган. Қизнинг уйига совчи юборади. Қиз ҳам Алишерни ғойибона яхши кўриб юрар экан. Исми Гули экан. Тўйга тайёргарлик бошланади. Бир куни овдан қайтаётиб, Ҳусайн Бойқаронинг ҳам ўша томда юрган қиз – Гулига кўзи тушиб, уни севиб қолади. Совчи юборишга қарор бериб, совчиликни дўсти ва вазири Алишерга топширди. Алишер совчиликка борди ва ўз дўстлигига содиқ қолиб, Гулини подшоҳга тегишга кўндиради. Аммо Гули бир шарт қўйди: "Подшоҳ тўйдан кейин кирк кунгача менинг олдимга кирмай туриши керак", дейди. Алишер бу шартга подшоҳни кўндиражагини айтади. Шунда Гули иккита кичик мактуб ёзиб, Алишердан бу мактубларни табибга олиб бориб беришни ва табиб берган нарсаларни олиб, қайтиб келишни илтимос қилади. Алишер табиб олдига борганида табиб мактубнинг бирини ўқиб, кулиб юборади ва иккинчисини ўқиб, йиғлайди. Иккита дори беради. Алишер дориларни Гулига олиб келади, Гули дорининг бирини ўзига олиб қолади ва иккинчисини Алишерга бериб, ичишни буюради. Алишер ичади. Гули Алишерга подшоҳ олдига равона бўлишга ва тўй тайёргарлигини бошлашга рухсат беради. Подшоҳ Гулининг шартини қабул этади, катта тўй қилади, аммо келинчак олдига кирк кунгача кирмайди. Бу орада Гули қаттиқ касал бўлиб қолади. Тўйдан кирқ кун ўтганда Гули Алишерни олдига чақиради. Гули ўлим тўшагида ётар эди. У Алишерга деди: «Икки дори эсингиздами? Унинг бирини мен сизга ичирган эдим, у дори сизни сира ҳам уйланмайдиган қилиб қўядиган дори эди. Иккинчи дорини мен ўзим ичганман, у дори мени кирқ кун ичида ўлдирадиган, секин таъсир қиладиган заҳар эди. Мана, дори ўз таъсирини кўрсатди, мен касал бўлдим. Бугун ўламан. Муҳаббатимизга содиқ қолиш учун мен шундай қилдим". Ўша куни Гули дунёдан ўтади. Алишер ва подшоҳ унинг тобутини икки ёқдан кўтариб борадилар.

Бу ривоят қанчалар таъсирли ва марокли бўлмасин, асос ва мантиқдан шу қадар йироккки, қизнинг ўзини заҳарлаши мутлақо мумкин эмас. Зеро, ислом эътиқоди бунга йўл қўймайди. Шарқона одоб, андиша ва ҳаёнинг ҳад-чегарасидан мутлақо узоқлашиб кетилганини бу каби тўқилган нақл ва ривоятлар таги пучлигига далолат қилади. Шўро даврида тасмага олиниб машҳур бўлган "Алишер Навоий" фильмида Навоийнинг севгилиси Гулини вазир Мажидиддин атайин султон саройига олиб киради. Бу билан мақсадига эришмагач, вазир қизга заҳар беради. Ростдан ҳам бу фильмда келтирилган Гули тарихий шахсми? Ёки бу фильм ижодкорлари томонидан тўқилганми?

Атоқли адабиётшунос Иззат Султоннинг "Навоийнинг қалб дафтари" китобига ёзган тақризида навоийшунос А.Ҳайитметов Навоийнинг муҳаббати ҳақида шундай фикр билдиради: "Кейинги текширишлар шуни кўрсатадики, у (яъни Навоий) кимлиги бизга номаълум бўлиб келаётган бир қизни севган. Қиз ҳам унга ёмон муносабатда бўлмаган, илтифотлар кўрсатган. Афсуски, қиз эрта вафот этган. Қизнинг вафоти Навоийдан олисда рўй берган. Шу кўнгилсиз фожеадан кейингина Навоий ўзининг унга бўлган муҳаббати чексиз ва беқиёс эканини билиб қолган. Бу муҳаббат ўти унинг қалбида умрининг охиригача сўнмаган. Шу сабабли шоир ўзининг биринчи муҳаббатига содиқ қолган – уйланмай ўтган" ("Шарқ юлдузи", 1970, 12-сон, 201-204 бетлар).

Мирзо Бобурнинг таъкидлашича, Мир Алишер Абусайид Мирзо томонидан сургун қилинган. Бобур сургун тафсилотлари номаълум деб ёзса-да, кейинчалик ҳаммаси малика Хадичабегимни деб содир бўлгани юзага чиқади. Малика Хадичабегим билан Мир Алишерни боғловчи ришталар бўлганми? Хадичабегимнинг Ҳиротда дунёга келгани, Султон Абусайид Ҳиротни забт этгач, олти ёшида унга ҳадя этилгани, 14 ёшида эса унинг никоҳига киргани ҳақида маълумотлар бор. Ҳикоя қилишларича, Султон Абусайид янги танмаҳрами ва ўша пайтда навқирон бўлган Алишербекнинг ўртасида нимадир борлигини сезгач, ёш шоирни Самарқандга сургун қилиб юборган. Хадичабегим Абусайиддан қиз фарзанд кўрди. Аммо у билан кўп яшамай Султон Абусайид Ироқдаги жанглардан бирида 1469 йили вафот этади. Ҳирот тахтини эгаллаган Ҳусайн Бойқаро эса бағоят сулув Хадичабегимни танмаҳрамликка олади. Мир Алишер билан Хадичабегим ораларида илиқ муносабатлар бўлгани маълум. Лекин Навоийнинг Хадичага бўлган майли унинг Султон Абусайид Мирзога турмушга чиққунига қадар давом этади. Воқеа бундай тус олгач, севгилисини унутиш учун куч топа олди. Шунга қарамай, миш-мишларга ишонган Абусайиднинг қаҳрига учраб сургун қилинади. Тақдир тақозоси ила Хадичабегим болалик дўсти, кейинчалик мамлакат подшоси Ҳусайн Бойқаронинг танмаҳрамига айлангач, маликага бўлган ҳурмат ва самимийлик ҳисси янада ошди. Лекин Алишербек Хадичабегимнинг хаёлида қандай бўлса, шундайлигича қоларди. У султоннинг эркатой қаллиғи – маликалар маликаси даражасигача етдию шеърият мулкининг султони – илк севгисини унутолмади. Меҳр-оқибатли малика унинг суҳбатида бўлишни истар, вақти-вақти билан ғамхўрлик қилишга ҳам уринар, шоирнинг ёлғизлигидан хавотирга тушарди. Хадичабегим ўзини оқила қилиб кўрсатса-да, аслида қаҳри қаттиқ малика эди. Шундай аёл билан ҳазрат Навоийдек пок хилқатнинг яқин муносабатда бўлгани ақлга сиғмайди, деганлар ҳам бор. Аксинча, баъзи олиму ижодкорларнинг фикрича, мир Алишер кейинчалик ҳам суюклиси бўлган Хадичабегимни яширинча севган, юз берган воқеаларга қарамай, у бир умрга қалбининг тўрида қолган.

Ҳуллас, бу каби ривоят ва ҳикоятларни илм ҳужжат-далил сифатида қабул қилмагани боис, ислом уламоларининг айримлари нима сабабдан оила қурмагани ҳақидаги илмий китобларга мурожаат қилдим. Қизиғи, бу китобларда нафақат оила қуришдан воз кечган, балки бир умр ўз нафсининг роҳат-фароғатини унутиб умрини "Ҳақ" илмини эл-улус ва келажак авлодга аслича етказиб бериш йўлида ҳадсиз-ҳисобсиз машаққат чеккан алломалар рўйхати жуда узун эканига гувоҳ бўлдим. Мусулмон оламига маълум ва машҳур бўлган ватандошимиз Имом Бухорий бисотида икки сидра либоси бўлмаган экан ва у умрининг аксар қисмида қотган нонга қаноат қилиб ўзини илмга бағишлаганини кўрамиз. Бухорий ҳазратлари оила қуриш, ўз номига муносиб баланд иморат қуриш у ёқда турсин, эгнидаги либосини янгилашга ҳам эътибор қилмаган. Аммо ул зотнинг машаққатли умри бекор кетмаганига ва бутун ҳаётини пайғамбаримиз ҳадиси шарифларини юртма-юрт, элма-эл кезиб йиғиб тўплаганига нафақат бизлар, балки жаҳон аҳли гувоҳдир.

Ва ниҳоят ўтган асрда яшаган машҳур аллома Абдулфаттоҳ Абу Ғудда ислом тарихида оила қуришдан кўра умрини илмга бағишлашни афзал билган уламолар рўйхатини тузиб, "Ал-уламо ул-уззабб ("Бўйдоқ ўтган уламолар") деган китобини ёзади. Мазкур китобда келтирилган маълумотларга кўра, ислом дунёсида яшаган баъзи машҳур олимлар ўз ҳаётини илмга бағишлаб, уйланиш, насл ва фарзанд қолдириш роҳатидан ўз ихтиёрлари билан воз кечадилар. Буни илм, дин хизмати ва мусулмонлар фойдасини деб килганларига ёзиб қолдирган китоблари гувоҳлик беради. Лекин бу ишни ўз ихтиёрлари ила танлаган бўлсалар-да, шариат мутлақо рад этади ва ношаръий алоқадан сақланишга қурби етмайдиган кишига, албатта, уйланишни буюради ва бунинг катта ажр-савобларга муяссар этишини маълум қилади. Шунинг учун уйланиш шаръий роҳат деб қаралиб, у ибодат даражасида талқин этилади. Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда илмнинг мартабаси ниҳоятда улуғлиги, олим кишининг даражаси ва қадр-қиймати бу дунёдагина эмас, охиратда ҳам беқиёс мақомга кўтарилиши бот-бот такрорланади. Олим киши илм олиш ва беришда хотири жам, фикридан чалғимаслиги ва уй-рўзғор ташвишларидан фориғ бўлсагина улкан ютуқларга эришади. Шу боис олимлар уйланиш ҳукмлари ва фазлини яхши билганлар десак, қайси нарса уларни уйланишни тарк этиш тарафига бурди, деган ҳақли савол пайдо бўлади. Буюк мутафаккир Маҳмуд Замахшарий илм-фаннинг турли соҳалари, араб грамматикаси, луғатшунослик, адабиёт, аруз илми, география, тафсир, ҳадис ва фиққа оид элликдан ортиқ асарлар ёзиб қолдириб, "Аллоҳнинг қўшниси" ("Жоруллоҳ"), "Араблар ва ажамлар устози", "Хоразм фахри" каби шарафли номларга муяссар бўлади. Лекин қариндош-уруғлари қистовларига қарамасдан, у ёлғиз яшаб ўтади. Илмий асарлар яратиш ва муносиб шогирдлар тайёрлашни фарзанд ўстиришдан аъло деб ҳисоблади.

Абдулфаттоҳ Абу Ғудданинг таъкидлашича, уйланмай ўтган уламоларга илм жасаддаги рух, яшил новдадаги сув, инсон ҳаётидаги ҳавога айланиб шаҳват қувватини кесадиган озуқа ва давога айланди. Шу боис ҳаётда бундай йўлни танлаган уламолар оила қуриб, бола-чақа қилишни ўзларига моддий ва маънавий тушов деб билганлар. Суфён Саврий: "Ким уйланса, денгизга чиқибди. Агар фарзанд дунёга келса, маркабидан айрилибди", деган экан. Дарҳақиқат, уйланган киши оила аҳлини ва фарзандлари ҳақларини адо этиши керак, шуни деб бутун фикри-зикри машғул бўлиб, қалби хотиржам бўла олмайди. Аллома Аҳмад ибн Ҳанбал ҳам токи ўзига етарли илм ҳосил қилмагунича, яъни кирқ ёшига қадар уйланмаган экан.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳазрат Алишер Навоий ҳам бутун умрини илм-фанга бағишлаган улуғ зотлардан ибрат олган ҳолда, ҳаёти мобайнида уйланмай ўтди ва пировардида, ўзбек адабиётида ўзига ўлмас ҳайкал қўйди.

Бобомурод ЭРАЛИ,
тадқиқотчи

ҚОДИРХОЖА ЭШОН УЙИ

Тарихда ўтган маърифатпарвар ишбилармон боболаримиздан бири Қодирхожа эшон пахтачи бой бўлган. Наманган шаҳрининг марказидаги Сардоба даҳасида қад ростлаган меъморий обидани шу инсон қурдирган.

Манбашунос олим Аҳмад Убайдуллоҳнинг маълумот беришича, Қодирхожа давлатманд ва саховатли киши бўлган. Бева-бечораларга мурувват кўрсатиб, кўп етимларнинг тўйларини ўтказиб берар, қаҳатчилик пайтларида катта дошқозонларда овқат пишириб, очларга тарқатар эди. Қодирхожа эшон биринчилардан бўлиб пахта заводи қурдиради ва маҳаллий халқ вакилларини иш билан таъминлайди. Унинг пахта заводи ҳозирги Наманган шаҳар ҳокимлиги биноси рўпарасидаги "Ёшлар хиёбони" ўрнида бўлган. Тадбиркор деҳқонлардан пахта сотиб олган, пахталарни қайта ишлаб, хорижий давлатларга сотган. Ҳамкорлик юзасидан Россияда, Европа давлатларида бўлган. Унинг уйида ҳам россиялик ва европалик кишилар меҳмон бўларди. Шунинг таъсиридanми, эшоннинг уйи ҳам миллий услубда, ҳам европача услубдаги нақшлар, манзарали тасвирлар билан безатилган. Таъбир жоиз бўлса, бу санъат асари даражасидаги уй эди.

Мазкур уй ички-ташқи хоналардан иборат бўлган. Ҳозиргача уйнинг фақат ташқи қисми сақланиб қолган. У "П" шаклида бўлиб, учта катта хонаси ойнали равон, иккита ўрта хона, йўлак ҳамда айвондан иборат. Хона шифтлари бир-бирига ўхшамаган турлича Европа услубидаги нақшлар билан безатилган. Хона шифтларини кўздан кечирганда, уста бобокалонларнинг маҳоратидан ҳайратланамиз. Шифтдаги айрим катакларга буғдойзор, қарағайзор, ўрмон ва денгиз тасвирлари туширилган. Шифтнинг аксар қисми эса ислимий нақшлар билан безалган.

1917 йилда Қодирхожа эшон боскинчиларга қарши курашга бел боғлайди. Унинг атрофига озодлик учун курашишга аҳд қилган мард ва ориятли йигитлар тўпланади. Қодирхожа эшон йигитлари билан 1919 йилгача большевикларга қарши қаттиқ курашади, лекин ўқ-дори тақчиллиги сабаб ўз одамлари билан Бухорога кетади. Унинг ҳовли-жойи большевиклар қўлига ўтади. Эшоннинг хонадони мустамлакачи зобитларга тақсимлаб берилади. Қодирхожа эшон 1920 йили Бухоро амирлиги қўшинлари сафида мустамлакачиларга қарши жангларда шаҳид бўлади.

Қодирхожа эшондан мерос уй бизнинг давримизгача турли воқеа-ҳодисаларнинг гувоҳи бўлди. Маълум муддат зобитлар ётоқхонаси, кейинчалик хотин-қизлар артели, педагогика билим юрти, билим юртининг ётоқхонаси, "Ногиронлар уйи", "Ижтимоий таъминот вилоят базаси", "Вилоят кўнгилли ўт ўчириш жамияти" идораси сифатида фойдаланилди.

Қодирхожа эшоннинг уйи ўтган асрнинг 70-йилларида меъморий обида сифатида рўйхатга олингани боис, бутунлай бузилиб кетишдан сақлаб қолинган. 1985 йили таъмирлаш ишлари олиб борилди. 1992 йилги таъмирлаш чоғида обиданинг ҳовли сатҳи бинонинг қадимий пойдеворига мос ҳолатда пасайтирилди. Нақшинкор ёғоч дарвоза ўрнатилди. Хоналар ганч ўймакорлиги услубидаги нақшлар билан безатилди. Бу ишлар якунига етгач, манбашунос олим Аҳмад Убайдуллоҳнинг таклифи билан "Мерос" илмий маркази ташкил этилди. Марказга юзлаб ноёб қўлёзма ва босма китоблар жамланиб, Наманган адабий муҳитининг XI асрдан XX асрга қадар яшаб ижод қилган қаламкашлари ҳақида маълумот берувчи кўргазма ташкил этилди. 1992-1996 йилгача фаолият кўрсатди. 1996 йилда "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси ташкил этилгани муносабати билан Наманган вилояти "Мерос" илмий маркази ушбу жамғарма ихтиёрига топширилди.

Ҳозирги кунда Қодирхожа эшон меъморий обидаси таъмирга муҳтож аҳволда. Аммо шу ҳолатида ҳам юртимиз ва хорижий сайёҳларни қабул қилмоқда. Чунки обидани безаб турган бетакрор миллий ва европача санъат асарларини кўриш, қадимий маданий меросимиз — қўлёзма асарлар билан танишиш ҳар бир маънавиятли шахс учун мароқлидир. Қодирхожа эшоннинг ҳаёти ва фаолияти, миллий саноатимизнинг шаклланишидаги хизматини ўрганиб, тарғиб этиш халқимизни, айниқса, ёш авлодларни ватанпарварликка, тадбиркорликка йўналтиришда катта аҳамият касб этади. Бундан ташқари, марказдаги қўплаб қўлёзма асарларни ўқиб-ўрганиб, асраб, келгуси авлодларга етказиш лозим.

Нигора МЎМИНОВА,
Наманган вилояти
тарихи ва маданияти
давлат музейи ходими

ЯНГИ КИТОБ: «ФИКР ҚУДРАТИ»

Умрини миллат маънавиятини юксалтиришга бағишлаган устоз Маҳмуд Саъдийнинг "Фикр қудрати" номли китоби чоп этилди. Унда мутолаа маърифати, адабиётнинг аҳамияти, фикр қудрати, мураббий меҳри, муҳаррир масъулияти, журналистнинг гражданлик позицияси сингари қадриятлар ҳақидаги мақолалар, суҳбатлар ва жаҳон адабиёти дурдоналаридан қилинган таржималар жамланган. Қисқа ва мазмунли бу асарлар адабиёт ихлосмандлари, айниқса, ёш ижодкорлар учун катта мактаб вазифасини ўтайди.

Эътиборингизга китобга киритилган мақолалардан бири ҳавола этилмоқда.

ТОЛСТОЙ ЗИЁСИ

Ҳар бир халқ маданияти тарихида жуда порлоқ даврлар бўлади. Худди шундай даврларда халқ ўз-ўзини, ўз қудратини, жаҳон тарихидаги ўз ўрнини, қисқаси, ўз қадрини англайди. Худди шундай даврларда ўша халқ орасидан улуғ сиймолар етишиб чиқади, улар ўз Ватанларининг шон-шуҳратини оламга ёядилар. XIV–XV асрлар ўзбек халқи ҳаётидаги шундай унутилмас даврдир. Бу даврда халқимиз дунёга Улуғбекдек, Лутфийдек, Навоийдек сиймоларни берди. XX асрнинг энг буюк маданий ҳодисаси эса Лотин Америкаси адабиётидир. Рус халқи тарихида XIX аср шундай юксак мавкега эга. Айниқса, бу асрда адабиёт ва санъат ғоят юксак чўққиларни забт этди: Пушкин, Лермонтов, Глинка, Чайковский, Брюллов, Левитан, Тургенев, Салтиков-Щедрин, Достоевский... Шу гигант санъаткорлар орасида Лев Толстой қўл етмас руҳият чўққиларидан. Толстойнинг мангу завол билмас асарлари, улкан жамоатчилик фаолияти, сермазмун ҳаёти кенг ўқувчилар оммасига яхши маълум. Бу даҳо санъаткор ижоди дунё маданияти тарихидан мустаҳкам ўрин олган.

Лев Толстой асарлари – бутун башариятнинг мулки. Барча соф кўнгилли инсонлар бу маънавий хазинага ўзини меросхўр деб билишга ҳақли. Гениал адибнинг ижоди ўзбек китобхони учун ҳам ғоят ардоқлидир. Унинг "Одамлар нима бирлан тирик" ҳикояси 1887 йилиёқ "Туркистон вилоятининг газети"да босилган. Толстойнинг биринчи таржимони эса ўзбек маърифатпарвари Сатторхон эди. Шундан кейин ёзувчи асарларини ўзбек тилига Али Асқар ибн Байрам Али Калинин, Серикбой Оқаев, Ашурали Зоҳирий таржима қилганлар. Умуман, 1917 йилгача она тилимизга Толстойнинг 34 масал ва ҳикояси таржима қилинган.

Яна шуни ҳам айтиш лозимки, ўша замоннинг илғор зиёлилари Л.Н.Толстой ижоди билан яхши таниш бўлганлар. Масалан, ҳурфикрлилиги учун 1910 йили Тула губернасига сургун қилинган Абдулвоҳид Абдурауфов (шоир Олтойнинг отаси) Ясная Полянага бориб, Лев Толстой билан кўп марта учрашиб, суҳбатлашган. Олтой бу ҳақда шундай ёзади: "Отамнинг ҳикоясига кўра, улар кўпинча маданият, хусусий мулк ҳақида суҳбат қилар эканлар". Улуғ адиб Абдулвоҳид қорининг Тула шаҳрида бемалол юриши учун рухсатнома ҳам олиб берган. Мулла Абдулвоҳид Толстойга Шайх Саъдий ғазалларини ўқиб, маъносини таржима қилиб тушунтирган.

Яна бир ватандошимиз Убайдулла Хўжаев Лев Толстойга 1909 йили хат ёзиб, адиб билан баҳслашган. Толстойнинг жавоб хати ўша йили Туркистон матбуотида босилиб чиққан.

Маҳмуд САЪДИЙ

Шодмонқул САЛОМ

ҚИРҚСУВ ЙЎЛИДА

Достондан парча

1924 йил. Бойсун. Беклик пароканда бўлди, Ҳуррамбекни осдилар. Салом қўрбоши — Салом калтани сотқинлар курмовида қўлга тушириб, Юрчи қўрғонида, халойиқ кўз ўнгида бошин кесдилар. Бухоро амирлигида ном қозонган, элда ҳурмат топган, нақшбандия тариқатининг таниқли пешвоси Эшони Судур ҳазратларини Деҳқонободда қўлга олишди. Уч кеча-кундуз Бойсунда банди тутиб, сўрок-савол қилишди. Сўнгра отдилар. Эшоннинг тани жанозасиз тупроққа қорилди. Айни шу куни у кишининг жасадини фарзандлари, содиқ муридлари эл оёғини тиндириб, кечалатиб Бойсундан Газа қишлоғига олиб келиб, жаноза ўқиб кўмишди.

Эшони Судурнинг оиласи хўп забун аҳволда қолди. Моли талонда, жони золим қўлида. Эл ичида Шамси мирохур деб танилган, бекликда мирохур лавозимида бўлган Эшоннинг тўнғичи – Шамсиддинхонни ҳам ётган жойидан тутишиб, қўлларини боғлаб, отга етаклатиб кетдилар. У кишининг турмуши вайрон, кўкси қон бўлган волидаси, аҳли оиласи изиллаб қолаверди.

Шамсиддинхонни Бойсунда бир кеча-кундуз тутиб туришди. Сўнгра қўлоёғига кишан уриб аравага ўтиргиздилар. Эшонни Термизга — ундан уёғи қатлгадир эҳтимол — жўнатадиган бўлишди. Шамсиддинхон аравага чиқарилгач ҳам арава қўзғалавермади. У бундан ажабланиб, тақдирга тан берса-да, Худодан умидини узмай турган пайтда ҳибсхонадан яна бировни сургалаб-етаклаб чиқишди. Бу эннинг бахшиси, йигитларнинг яхшиси Холиёр тўксоба деган, халойиқнинг дарду ғами билан катта бўлган, юраги бутун, дўмбирасининг ўзи бекликнинг бир бўлак аскаридан кам бўлмаган айтармон йигит эди.

Уни кўрган Шамсиддинхон "воҳ" деб юборди. Кўкрагида Хомкон қўлидай бир аламлар чайқалиб кетди. Бахши қирчиллаган қирқ ёшнинг остида, Шамсиддинхоннинг қаватида, аравaнинг устида эди. Иккиси ҳам ғамгин эдилар. Бир сўз демасдилар.

Бойсундан Шўрчига энадиган йўл Қора дара билан Оқ дарадан ўтиб борар эди. Қорнинг эрувидан, булоқларнинг ирмоқларидан пайдо бўлган бу сув йўлга йўлдош бўлиб, йўлни қирқ марта кесиб ўтар, йўл ҳам сувга қараб маром олганди. Кечалаб йўл тортганлар бу йўлда сувга қирқ марта салом берар эди. Шу боис буни Қирқ сув дердилар.

Алқисса, учта отлиқ, бир аравакаш — тўрт аскар, қўш отли аравада икки банди, Бойсунни ортда қолдириб, Газа қишлоғига етдилар. Йўл четидаги мунғайган қабристон қошига келишганида Шамсиддинхон отаси — Эшони Судурнинг қабрига интиқ тикилди. Бахши Шамсиддинхонга қаради, Шамсиддинхон бахшига. Арава ғижирлади, қўнгиллар пичирлади, кўзлар тилсиз сўйлашиб кетди. Шамсиддинхон бахшига қараб туриб билдики, бахшининг кўкрагида гурсиллаб турган юраги бўғзига довур етиб келди.

— Шамсиддинхон, тиловат қилинг! Яна бу ерларни зиёрат қилоламизми, қилолмаймизми, тўрам? Ўқинг!

Бусиз ҳам кўнгли бузилиб турган эшон кўзидан ёшини оқизиб, ингираниб ҳазрати "Таборак"ни тиловат қила бошлади. Аравaнинг ғижирлаган саси бир бўлди, эшоннинг Қуръон ўқиётган изтиробли садоси бир бўлди. Бу икки товуш ҳали тупроғи қуримаган қабрдан кўтарилаётган ҳовурга қўшилиб кетди. Эшонзоданинг овози титраб чиқар, арава эса тобора қабристондан ҳам, қишлоқдан ҳам олислаб борарди. Бахши соме ўлтирар, кўзларидан милдир-милдир ёш оқарди. То аравага чиққунча "урҳо-ур", "бўлча-бўл" деб мирғазаб бўлган аскарлар ҳам тиловатга қаршилик қилмадилар. Олдинда бораётган командир ҳам худди кардай ортга бурилиб қарамади. Шамсиддинхон тиловатни тугатиб, оталарининг ҳақига бағишлаб "омин" деган паллада аскарлар ҳам беихтиёр юзларига фотиҳа тортиб юборишди. Бу ҳолни кўрган Шамсиддинхон ҳам, Холиёр бахши ҳам изиллаб йиғлаб юбордилар. Не тонгки, қўл — орқада, кишанда. Қўллар фотиҳага етиб келолмайдиган кунлар бошланганини ҳис этиб турган Бойсуннинг икки шунқори тақдирга қўниб, кўнмаган жойида куйиб кетиб борардилар. Занжир шиқиралйди, арава ғижирлайди, суяклар сирқирайди.

Арава қишлоқларни ортда қолдириб дарага эниб жўнади. Кун асрга қиялади. Шу дамгача музтар бўлиб келаётган Холиёр тўксоба тилга кирди:

— Ҳей, аскарлар! Командирларинг ким?

Унга жавобан олдда кетаётган отлиқни кўрсатишди. Уни бахши боши билан им қоқиб "берман кел", деб чақирди. Отлиқ ортига бурилиб-тисланиб келди:

— Нима гапинг бор? — деди у хўмрайиб.

— Менинг қўлимни еч!

— Мумкин эмас! Тилинг бойланган йўқ-ку! Гапир!

— Қўли бойланганнинг тилиям бойловли бўлади. Буни билмайсан-да, командир. Қўрқма, қочиб кетмайман! Қўлимни еч, зарил бир гапим бор...

— Сенинг нимангдан қўрқаман! Гапинг бўлса, шундай айтавер!

— Агар қочсам, Холиёр отимни бошқа қўяман. Қўлингда милтиқ бор, отиб ташлайвер — розиман.

— Қочгандан кейин отингни бошқа қўйганинг кимга керак. Шайтонга ҳай бер-да, тек юр, Холиёр!

— Отини бошқа қўйишни сен қаердан биласан. Йигит кишининг оти ўлигидаям, тиригидаям битта бўлади. Қўлимни еч, бўлмаса, ўзингдан кўр! — арава йўлига терс ўтириб кетаётган бахшининг овози жуда шаштли чиқди.

Арава билан қабатай кетаётган командир узанги билан отининг биқинига ниқтаб, йилқининг кўксини арава устига дўндириб келаркан, аччиқланиб, пишқириб деди:

— Нима қиласан ечмасам?

— Эшони Судур пиримга йиғлаб ёлвораман, бирортанг Бойсунни қайтиб кўрмайсан!

— Эшони Судур! Эшони Судур! — деб кулди командир. — Уни кўмганда ўзим устида эдим-ку!

— Сен ҳали Эшони Судурни ўлди деяпсанми? — деди Холиёр тўксоба кескин бир оҳангда. Сўнг овозини сал пастлатиб сўради: — Ҳей командир, кимнинг ули бўласан?

— Отамниям, мениям танимайсан. Бу ерлардан эмасман. Нима эди?

— Тирик бўлиш учун қаватингда юриш шарт эмас. Ўлик бўлиш учун ҳам ерга кириш шарт эмас. Бу ерлик эмас экансан-да, бундай гапларни билмайсан! Афсус!..

Бахши бу сўзларни бошини ҳам қилганча айтиб борарди. Унинг охирги сўзларини эшитган командир "ҳай, тилингга куйдирги чиқсин", деди-да, сўнг:

— Чинингни айт, нима қилмоқчисан? — деди бахшига бетма-бет бўлиб.

— Нима қилсам ҳам қочмайман! Қочсам — Бойсуннинг тузи урсин!

Командир ўйда қолди. Командир жим қолди. Унга бахшининг гаплари таъсир қилган эди. У туйқусдан аравадаги аскарга "тўхта" деди. Қорадаранинг арчаси бўлиқ бир манзили эди. Қизил аскарлар атрофга милтиқ ўқталиб қараштдилар. Дара мўмиё ичгандай сокин. Бахшининг қўлларини ечишди. У жуда хотиржам, ўзи билан ўзи эди. Ёнидаги Шамсиддинхон неларни хаёл қилаётгани номаълум бўлган бахшига маъюс қаради.

— Нима ўйлаганинг бор? — деди командир ушоиб қолган қўлларини уқалаб турган бахшига, — қўлимни ечсанг айтаман деган эдинг. Айт, бўлмаса, итдай отиб ташлайман...

— Қочар бўлсам, Окработдаги тўйдан қочиб кетар эдим-да, лодон.

— Нимага қочмадинг?

— Нимага қочай, кимдан қочай? Пешонамдагидан қаёққа қочай? Манов ўйнаб-ўсган тоғ-тошларим билан бир хўшлашиб олайин. Дўмбирамни бер, энди...

Бу сўздан Шамсиддинхон ингираб юборди. Аскарлар бахшига аравага боғланган дўмбирасини обберишди. Холиёр бахши дўмбирада эзиб-эзиб бир куйни наъма қила бошлади. Арава қўзғалди. Бахшининг юраги асрни қоралаб, какиллаб булоқбошига сувга энаётган какликлардай тилга кирди:

— Қўлимни еч, командир,
Тақдир билан аҳдим бор.
Айтарим бор бир майдон,
Қўкрак тўла дардим бор-эй,
Қўкрак тўла дардим бор.

Бўғзимга тош тиқилди,
Бошимга тоғ йиқилди.
Кўзларимдан ёш эмас,
Ору номус тўкилди.

Бўғзимга тош тиқилди,
Не йигитлар отилди.
Не йигитлар хотиндан
Хароб бўлиб сотилди.
Кўзларимдан ёш эмас,
Дину имон тўкилди.

Қўлимни еч, командир,
Қанотимни бир ёзай.
Тақдир деган лочиндан
Қочиблар қайга кезай?

Саксовулдай суягим,
Ажириқдай томирим.
Элу халқим бузилди,
Ўқ томирим узилди.
Оқ дарада тизганим
Қора дарада узилди.

Тўйга кетаётганим йўқ,
Тўйлаб қайтаётганим йўқ.
Манглайдагин кўраман,
Қайга кетарим биламан.
Қўлимни еч, командир,
Тўрт оғиз айтиб бераман.

Қанча баланд-пастим бор,
Бунда ўтган гаштим бор.
Аравангни кўтариб-эй,
Учгудайин шаштим бор.

Сенга айтай, командир,
Дунё эси йўқ экан,
Тақдир тентак лўк[1] экан,
Биз талашган бул дунё
Бир арава юк экан.

Хуш қолинг энди, тоғларим,
Гул-лоладай чоғларим.
Холиёрнинг ҳам қирқ йилда
Бир очилди доғлари.

Бунда бир кўч боради,
Аламу ўч боради.
Бир арава юк бўлиб
Қоимаган қурч боради.

Сўнган умид боради,
Тирик шаҳид боради.
Бир арава юк бўлиб
Пиру мурид боради.

Шамсиддинхон боради,
Ёшин тупроқ қоради.
Тўрам! Тоғларга "хўш", десам,
Изимдан боладай қаради.

Бойсин-қўнғирот, йиғлагин,
Кимдан айрилдинг — билмадинг.
Либоси кафан бўлганим
Авлоди Саййид боради.

Кечалар тутилган ойларнинг
Шуъласи ичимга уради.
Қўлимни ечгин-а, жувонмарг,
Қўлқам тўлиб боради.

Қўлимдаги сумбулсоз,
Кўкракка ўзин уради.
Қўлимни ечгин-а, жувонмарг,
Бўларим бўлиб боради.

Шаҳид кетган пирларим,
Изимдан изиллаб туради.
Ўйнаб-ўсган қирларим-э,
Ерга кириб боради.

Сайраб қолгин-а, сумбулсоз,
Холиёрнинг ҳам вақти оз.
Жанозасини бенамоз
Қизиллар ўқиб туради.

Ғижирладинг-а, ароба,
Энди орқангга қарама.
Мендан кимсан, деб сўрама,
Бир беватан боради.

Юрмадим, боврингда суйсиниб,
Энадай қолдинг-а ийсиниб[2].
Рози бўлгин-а, Бойсиним,
Бир кўзинг адашиб боради.

Хуш қолинг, тоғу тошларим,
Сайраган каклик қушларим.
Шу бетда бир қиш қишладим,
Эсимга тушиб боради.

Қирқ сувдан ҳаккалагандим,
Қирғийни яккалагандим,
Сурувни саркалагандим,
Сурувим тўзиб боради.

Жимиллайдида тоғда қор,
Ҳў бетда йўлбарснинг ини бор,
Қаватимдаги, эй шунқор,
Боврим эзилиб боради.

Очилди кўксимда қуюгим,
Хуш қол, қуралай кийигим.
Оқсуягим-а буюгим,
Шамси мирохур боради.

Қулдим ёлғончи устидан,
Тақдир, не дейин дастингдан?
Мустафонинг наслидан
Шамси мирохур боради.

Руҳи устимда пириллаб,
Қоронғи йўлимда пориллаб.
Бор бўғин кетди зириллаб,
Судур эшоним боради.

Арчазордаги бўз жондор,
Яратган эшитар, жонивор,
Жойимдан ойга улий бер,
Ойларим тўлиб боради.

Хизр кезган даштларим,
Кўпкарисойда гаштларим.
Кўтаролмасман бошларим,
Бошим хам бўлиб боради.

Хуш қолгин энди, Оқ дара,
Суягим оқарди ярқираб.
Кетаётганга бир қара,
Кетолмай турганга бир қара,
Туманлар адоқлаб боради.

Оқ дарадаги кечувлар,
Чаготлар, ойлар ботувлар.
Ўқ егандай ётади,
Кўрмаганга олади,
Бўлари бўлиб ётади,
Дустаман[3] бўлиб ошувлар.
Ҳали қайтади дейди-да,
Қайтмасим билмайди-да.
Билиб билдирмайди-да,
Қаролмай инқиллайди-да,
Оқ дарадаги ошувлар.

Қора дара, хуш қолгин,
Отажонимни кўргансан,
Ирғай таёқлар бергансан.
Энажонимни кўргансан,
Кокилларини ўргансан.
Муштдайлигимдан кўргансан,
Орқамдан ияриб[4] юргансан.
Жиласам юпатгансан,
Кулсам қўшилиб кулгансан.
Қора дара, хуш қолгин,
Бул оқшом сенинг йўлингда
Кулмайдиганлар боради,
Келмайдиганлар боради,
Ўлмайдиганлар боради.

Қора дара, хуш қолгин,
Арчангга отим бойладим,
Кўзлар толиб ов пойладим,
Бебарор милтиқ мойладим.
Қанча гапларни шайладим,
Айтолмай ўзимни қийнадим,

Барисин билиблар турганим,
Оғамдай сўрашиб юрганим.
Кўкламда ҳамсоя турганим,
Ўтовда гурунглар қурганим,
Қора дара, хуш қолгин.
Ҳамсоянг ўтиб боради,
Ҳамхонанг ўтиб боради.

Ётиқдаги Гугуртсув,
Исларингдан, хуш қолгин.
Мусофир кўнглига қараган,
Кўзларингдан, хуш қолгин.
Бир банди тинмай боради,
Сувсини[5] қонмай боради.

Кўкйўталимни тузатган,
Меҳмонларимни кузатган.
Сувсасам коса сув узатган,
Бир банди тинмай боради,
Тақдирга кўнмай боради.

Ариллаган аювлар,
Дириллаган оҳулар.
Бахиллару сахилар,
Бари сендан сув ичган,
Кечалар "салом" деб кечган.
Сендадир якка шаҳид,
Бўз бетда тикка шаҳид.
Дуо қил, ҳаққа шаҳид,
Бир банди тинмай боради,
Сувсини қонмай боради.
Ётиқдаги Гугуртсув,
Исларингдан, хуш қолгин.
Кўзларингдан, хуш қолгин.

Ўрим сочдай сойларим,
Беэга уюр тойларим,
Босган, босмаган жойларим,
Куйиблар кетди-да куйларим,
Хуш қол, ботмаган ойларим,
Холиёр ҳам ўтиб боради,
Холиёр ҳам ботиб боради...

...Бахши айтарини айтиб бўлганда қибладан қип-қизил бўлиб балққан ой жаллод болтасидай шом еб — яримлаб, таёқ бўйи кўтарилганди. Аравaнинг олди-ортидаги аскарлар ҳам бетини ойдан пана қилиб, йиғлаб кетишарди. Ниҳоят, аравадан бироз олдинда бораётган командир тилга кирди:

— Сени бекорга қамоққа олмаган экан-да, энағар. Дўмбиранг билан бир бўлсанг, элни элитиб кетаркансан. Эздинг одамни. Энди товушинг ўчиб, жим юр.

Бахши жуда паришон эди. Дўмбирасини олиб, қўлини боғладилар ҳамки, бир сўз демади. Бошини кўтариб қарамади ҳам. Фақат кўзларидаги кўримаган ёшлари ой шуъласида ялтираб кўринарди.

Бахшининг тилида холи бор экан: "Холиёрнинг вақти оз" деганича бўлди. Ўрусиянинг беадоқ ўрмонларига сургун қилинди. Бадар кетди. Юртга қайтмади. Терма ва достонларини элдошлари бошқа эшитолмадилар.

Шамсиддинхонни эса Термиздаги ҳибсхонада олти ой ушлаб туриб, озод қилишди. Отамерос мол-ҳолини янги ҳукумат тортиб олди — жон фойдага қолди. Шамсиддинхон кейин ҳам бир неча тухматларга йўлиқди. Бир бор ўлим билан юзма-юз ҳам бўлди. Аммо дард бошқа, ажал бошқа — тирик қолди. Кўп фарзандлар кўрди. Элда нуфузи ортди – камаймади. Бахшининг сўнгги нолаларини ҳам Шамсиддинхон элга етказди.

---

1. Лўк – икки яшар туя.
2. Ийсиниб – сийнаси сутга тўлиб, боласини эмизгиси келиб турган совлиқнинг ҳолати.
3. Дустаман – юзтубан (шева).
4. Ияриб – эргашиб (шева).
5. Сувсини – чанқоғи.

Холиёр САФАРОВ

БУТУН НИЯТ

Аҳмад домлани ўй босди. Пайғамбар ёшига етиб, азалий орзуси ушалай деб турганди – шу йил Ҳаж сафарига боришни ният қилганда дунёнинг бир бурчида кўршапалакнинг бошича келадиган кулранг қўланка пайдо бўлдию кун сайин йириклашиб, бора-бора ер юзини қоплаб олди. Миллатлар, элатлар бошига қайғу тушди. Инсон борки, барчасининг бошида бир ташвиш айланди. Одамзод уйига қамалиб қолди – ягона чораси шу бўлди. Сабр-тоқат, покизалик, интизом ва дуо сўралди.

Эл бошига иш тушса, эр бошига тушгани. Барча бирлашиб, аҳду паймонлар уйғунлашиб, бир ёқа-енглик, бир тўнлик бўлгач, тўн ичида тўкилганлари қўйиндан қўнжга тушаверди… Ўзбек ўзини намоён қилди – узоқдами, яқиндами, ҳеч ким эътиборсиз қолмади. Қўлидан иш келган борки, бир-бирининг ёнига кирди.

Уйда қалб билан якка қолиш онг-шуурни тиниқлаштириб, фикрни тиниқ қилди, ўзликни англатди. Дунёқарашлар ўзгарди. Мулк Аллоҳники бўлгач, эҳтиёждан ортиғини эҳсон қилиш хайрли иш экани яққол аён бўлди.

Аҳмад домланинг кўнглида эзгу ният туғилдики, бу истак ҳаммасидан устун келди. Домланинг кутубхонасидаги жавонлар китобга тўлиб-тошган эди. Азалдан ҳар маошидан китоб харид қилиб келган домла нафақага чиққандан кейин ҳам бу одатини канда қилмаганди. Болалари уй-жойлик бўлиб, ўзларидан тиниб-тинчиб кетишгани учун домла пенсиясининг бир қисмини ҳамон китобга, бир қисмини невараларига сарфлар, қолганини дил тубида сақлаган эзгу ният йўлида йиғиб юрарди... Бир куни у бомдоддан сўнг юз дона қаттиқ муқовали китобни ажратиб олди. Уларни стол устига териб қўйди-да, ҳар бирининг биринчи саҳифасига «Аллоҳ розилиги учун... китобни охиригача ўқинг», деб ёзиб чиқди. Тағин китобларнинг охиридан еттинчи саҳифаси пастки ҳошиясига атайин қалам билан бир жумла битдики, у барчага сир бўлиб қолди…

Эрининг саҳардан китоб ажратиб, нималардир ёзиб ўтирганини кўрган аёли аввалига аҳамият бермаганди, аммо кўчага отланганда: «Йўл бўлсин, отаси?» деб сўради.

– Онаси, ҳозир одамлар уйда ўтирибди. Телевизордан кўряпсан-ку, ҳамма қўлидан келганча бировга ёрдам берянпти. – Аҳмад домла иккита қўлхалтани велосипеднинг рулига илди. – Мен ҳам қурбим етганича ният қилдим. Уй тўла китоб. Уларни гўримга орқалаб кетмайман. Ҳеч бўлмаса, ҳар оилага биттадан совға қилай, ўқишса, савоби тегади…

– Яхши ўйлабсиз… – аёл эрига мамнун боқди. – Худо зиёда қилсин.

Аҳмад домла ҳамиша мактабга велосипедда қатнаган. Унинг бу ишига кўз остидан қараганлар, қошини кериб, лабини бурганлар бўлди, аммо у парво қилмади, велосипеди қўнғироқчасини жиринглатганча мактаб дарвозасидан кириб келаверди… Ўтган йиллар сочларига оқ сепган бўлса-да, бошига дўппи ярашиб, салобат бағишлади. Велосипед минганда кичик жуссасига муносиб тарзда йигитлардек ҳаракат қилади. Тенгқурлари, тўртбеш қўйлакни эрта йиртганлар ҳам ҳавас билан қарашади.

Бу сафар ҳам велосипедга чаққон минди-да, ғизиллаб кетди. Аёли ортидан қараб қолди…

Аҳмад домла одамларни бу камбағал, бу ўртаҳол деб ажратиб ўтирмади. Шундоқ ҳам қишлоқда бой-бадавлат одамлар саноқли – бармоқ ортиб қолади. У кечгача қишлоқ оралаб китоб тарқатди. Уйида кўринганларнинг қўлига берди, кўринмаганларни қидириб ўтирмади – дарвозасига қистириб кетаверди.

– Барака топинг, домла, – дейишди кўпчилик китоб олгач. – Савоб иш бошлабсиз. Раҳмат, сизга.

– Болалар ўқисин, – домла ишидан мамнун эди.

– Устоз, барибир домлалигингизга борасиз-да-а! – деди бир ўзига етарман киши, шу ҳам иш бўптими, дегандек.

– Ҳа энди… Китоблар уйда чанг босиб ётгандан кўра болалар ўқигани яхши-да.

– Ҳа, майли…

Аҳмад домла кечгача гоҳ текис, гоҳ ўнқир-чўнқир йўллардан юриб, пасту баланд, гоҳ кўримсиз, гоҳ хароб, гоҳ шинам уйларнинг эшигини тақиллатиб, китоб тарқатгани сайин руҳи кўтарилиб, ногоҳ бир ҳақиқатга дуч келди. У қишлоқ шароитини, одамлар феъл-атворини яхши биламан, деб ўйлар эди. Йўқ, билмас экан. Ичишга қудуқдан сув тортаётган, қаердандир бир халта унни эшагига ортиб келаётган, тўрттагина эчкини боқиб ўтирган ёки ёлғиз ғунажинни томорқа четида арқонлаб, ўтлатиб юрган эркакларга, даштга мол-қўй ҳайдаб кетаётган чўпонларга, ишсиз эрига ёзғираётган аёлларга дуч келганида тилини тишлаб қолди. Шундай бўлса-да, қишлоқда оқибат бор.

– Шуям ишми, домулло? – деди бирови уйидан ширакайф аҳволда чиқиб. – Ўзингизча хайрия қиляпсиз-да, а?

Аҳмад домланинг юраги увишди, не деярини билмай қолди. Унинг ортидан қалдирғочдай тизилиб чиққан беш болани кўриб, раҳми келди.

– Мен шу ёшга етиб, бировнинг ичиб барака топганини кўрмадим. Худо сенгаям инсоф бersин… Шу кунларда рўзғорни ўйласанг бўларди.

– Ай-е…Рўзғорни ғор дейдилар …

– Кўзингни оч, бола. Эрта баҳордан кеч кузгача мардикор ишлайсан, нега топганингни ичасан, болаларни ўйласанг-чи… Катта бўлиб қолишибди, ма, яна битта китоб бериб кетай…

Отасининг қилиғига қарамай, домланинг қўлидан китоб олган қизи югуриб келиб яна битта китоб олди. Ота эса гандираклаб уйга кириб кетди… Ҳар хил одамларга дуч келса-да, домла мақсадига эришди. Юз дона китобни тарқатиб бўлди.

Орадан бир ҳафта ўтгач, биринчи бўлиб ўша уйидан ширакайф чиққан йигит Аҳмад домланинг эшигини қоқиб келди.

– Домла, – деди у, – мени кечиринг. Ўша куни сизга ножўя гапирибман. Лекин мард экансиз. Болаларим берган китобларингизни ўқиб чиқишди. Сизга қойил! Ҳам китоб ўқитдингиз, ҳам… – йигит нафаси бўғилиб гапиролмай қолди. – Ўша куни… хотиним билан уришиб, аламимдан ичиб ўтиргандим. Ҳозир иш бўлмаса, нима қилай, деб бошим қотганди. Сиз берган иккита китобнинг... ичидан пул чиқди. Охиридан еттинчи бетига: «Муқованинг орасида совға бор», деб ёзиб қўйган экансиз. Қойил қолдим! Раҳмат сизга… Битта китобингиздан чиққани бир қоп ун бўлди, иккинчисига бозор-ўчар қилиб келдим. Кўзим мошдай очилди… Бизларгаям шундай хайр-саховат қилиш насиб этсин. Бўлди, сизга ваъда бераман, қайтиб ичмайман.

ҲИКОЯ

Домла унга бошдан оёқ разм солди-да, жилмайиб қўйди.

– Ваъдани менга берма, ҳаммамиз бандамиз. Яратганга шукр қил, ниятингни бутун қил. Ичишни ташлайман деяпсан, инсоф бергани рост бўлсин. Кўзингни оч, бола…

У раҳмат айта-айта изига қайтди.

– Ўзингга шукр, – деди Аҳмад домла.

Шу кундан бошлаб, ҳамкишлоқлар бирин-кетин домлага раҳмат айтиб кела бошлади.

– Уйга келиб, раҳмат дейишингиз шарт эмас. Аллоҳ рози бўлсин. Савоб йўлида қилдим…

Аҳмад домланинг руҳи енгил тортди. Аёли севинди, болалари ғурурланди.

– Отаси, – деди аёли, – кеча пенсия олдик. Келинг, шуниям тарқатайлик…

Аҳмад домла аёлига мамнун боқди.

– Ақлингга балли… Ҳажга борамиз деб йиғилган пулни тарқатиб юборибсиз, деб мендан хафа бўлсанг керак деб ўйлагандим…

– Отаси, бошингиз омон бўлсин. Бунинг ҳам савоби Ҳажникидек улуғ... Ҳали ниятингизга етасиз, насиб бўлса...

Аҳмад домла енгил тортди. Кутубхонасига кириб, яна йигирматача китоб танлади ва ўзининг пенсиясини қўшиб, худди аввалгидек совға тайёрлади. Эртаси куни қўшни қишлоққа бориб, турмуши оғир деб билган тўрт-беш хонадонга кирса, кимдир худди шундай, қаттиқ муқовали китоб тарқатиб кетибди…

ҒОЯЛАР, ВОҚЕАЛАР, ОДАМЛАР

Француз мутафаккири Рене Декартнинг рақамларда ифодаланган қизиқ "статистика"си бор: "Дунё одамларини 100 фоиз деб билсак, улардан 1 фоизи ярамас, 2 фоизи ҳалол, яхши, қолган 97 фоизи у ҳам эмас, бу ҳам эмас". Инглиз адиби Бернард Шоу буни янада кескинроқ таърифлаган: "Инсонларнинг 2 фоизи эркин фикрловчи одамлардир. 3 фоизи ўзларини фикрлаяпман, деб ўйлашади. 95 фоиз инсонлар эса, мияни ишлатгандан кўра, ўлиб қўя қолишни маъқул кўрадилар".

АЖИБ ДУНЁ

Ҳаёт "саҳнаси"ни кузатсангиз, Декарт ва Шоунинг рақамлари анча-мунча аниқлигига ишонч ҳосил қилишингиз мумкин. Аёнки, ҳаётда "яхшилар", "ёмонлар" ва "бефарқлар" орасига қизил чизиқ тортиб, аниқ ажратиб қўйилмаган. Кўпинча ёмонлар "эзгулик" никобини тақиб оладилар. Бефарқлар уларга астойдил (тарози палласининг қаёққа босишига қараб) тарафдор бўлишади. Яхшиларга эса кўпинча "айбсиз айбдор" роли тегади.

Инсоният (ёки, дейлик, "меҳнат жамоаси")нинг 20 фоизи жами ишларнинг 80 фоизини бажаради ("умумжамоа араваси"ни тортади). Бу азалдан маълум ҳақиқат. Яқинда аниқланишича, инсониятнинг 80 фоизи ўзини айнан ўша меҳнаткаш 20 фоиз сафидаман, деб ҳисоблар экан.

Лекин қандай вазият бўлмасин, инсониятнинг "яхши", "ёмон" ва "лоқайд" тоифалари ўртасидаги нисбат деярли ўзгармайди. Бинобарин, "бой ва камбағалнинг, эркак ва аёлнинг бирдек тенглиги"ни таъминламоқчи бўлган собиқ коммунистик тузумнинг даъвоси анча жозибадор, лекин ғайритабиий эди. "Коммунизмда барча инсонлар қобилиятига қараб эмас, балки эҳтиёжига яраша моддий неъматлардан баҳраманд бўлади", деган сафсата уқтириларди. Тасаввур қилинг, табиатан меҳнаткаш ва тадбиркор инсон ҳам, ялқов ва дангаса ҳам, "аълочи" ва "иккичи" ҳам... бир хил миқдорда маош олса?! Йўқ, ҳатто ялқовнинг "эҳтиёжи" меҳнаткаш инсоннинг эҳтиёжидан ортиқ бўлса-чи?! Қани бу ерда адолат?

Ўзингиз ўйлаб кўринг: дейлик, жамиятда эртадан бошлаб ҳаммага бирдек, теппа-тенг маош белгиланса, ҳаёт бирдан яхшиланиб кетадими ёки... Натижа тахминан қуйидагича бўлади:

Қиска вақтдан сўнг кичик бир гуруҳ бойиб кетади, бир тоифа нисбатан ўртача мавқени эгаллайди. Жуда кўпчилик эса камбағал (кам таъминланган), ёлланма ишчи ва ҳоказо тоифаларга ажралиб қолади. Бу – табиий ҳол. Бу ерда ким(лар)нидир айблаш мутлақо ноўрин. Инсоният феъл-атворининг ўзи шуни тақозо қилади.

Жамиятда бизнес ва тадбиркорлик учун ҳар қанча қулай шарт-шароитлар яратилмасин, барибир, одамларнинг атиги 3-5 фоизидагина ҳақиқий ишбилармонлик қобилияти бўлади. Кўпчилик эса уларга фақат тақлид қилади, холос. Инсониятга ато этилган ақл-фаросат ва илмий салоҳият ҳақида ҳам юқоридаги мисоллар орқали хулоса қилиш мумкин. Яъни олимга тақлид қилиш – олим бўлиш, дегани эмас.

АҚШнинг Калифорния штати губернатори бўлган машҳур Арнольд Шварценеггер шундай фикрни айтган: "Тўқсон беш фоиз одамлар доимо ўзларига йўл-йўриқ кўрсатиб, бошқариб турувчи раҳбарга муҳтож бўладилар". Ҳақиқатан ҳам, агар озгина эътибор берсангиз, атрофингиздаги қарор қабул қилишдан чўчийдиган, бирон масалани унинг учун ўзгалар ҳал қилишида ҳеч қандай ҳақорат сезмайдиган инсонлар кўплигини кўрасиз. Бунинг ғайритабиий жойи йўқ: негаки, бадан жонсиз яшай олмаганидек, халқ ҳам ҳокимиятсиз яшай олмайди.

Бернард Шоу айтмиш, инсониятнинг икки фоиз фикрловчи қисми (илм-маърифат аҳли) техник ва ижтимоий тараққиётни таъминласа, ўзларича "фикрлаяпман", деб ўйловчи уч фоизи эса, ўша икки фоизни ҳам қўшиб, 97 фоиз инсонлар устидан ҳукмронлик қиладилар. Жек Лондон ёзганидек, "Фикр юрита олмайдиганлар ўзларини мутафаккир қилиб кўрсатадилар ва мустақил фикр юритадиганларнинг тақдирини ҳал қиладилар".

Инсоннинг феъли қизиқ-да. Билимсавияси ночорроқ одамлар, тафаккури ўзлариникидан юксак инсонларга қараганда мансаб поғоналарини кўпроқ (ва дадилроқ) эгаллашар экан! Корнелл университети (АҚШ) олимлари олиб борган илмий тадқиқот ана шундай ҳайратомуз хулоса билан якунланди. Кўпинча савияси паст ходимлар ўз салоҳиятига ортиқча баҳо беришади. Хато қарор қабул қилганларида ҳам, тушкунлик ва виждон азобини сезмайдилар (чунки хатонинг хато эканлигини ҳам ҳис этишмайди).

Юқори малакали мутахассислар эса, аксинча, кўп иккиланиш ва чуқур мулоҳазалардан сўнг қарор қабул қилишади. Бу эса жамоа аҳлида журъатсиз ва қатъиятсизлик каби таассурот уйғотади. Юқори малакали ходимнинг камтарлиги ҳам мансаб поғонаси йўлида кўпинча унинг "зарари"га ишлайди.

Савияси "бундайроқ" одамларнинг амал курсиларини кўпроқ "банд" этиши, ушбу ҳодисани илмий ўрганган руҳшунос (психолог) олимларнинг шарафига, "Даннинг-Крюгер эффекти" деб номланди. Улуғ ватандошимиз Маҳмуд Замаҳшарий ёзганларидек: "Ҳеч ажабланарли эмаски, баъзи жоҳил кишилар баланд даражага эришиб, олим ва доно одамлар қуйида қолур, чунки баъзи вақтда Суҳайл (Канопус) юлдузи қутб жанубида бўла туриб пастга тушар, аммо Наоим юлдузи каби кичик юлдуз бутун оламнинг боши устида турар".

Ҳар ким, қаерда ва қай мавқеда бўлмасин, ақл-тафаккур қучи етган юмушни бажаради. "Қаерда ва қай мавқеда" дейишимизга сабаб – ақл-тафаккури етмаган ишга даъво қилувчи, дейлик, турли йўллар билан "олим" ёки "раҳбарлик" лавозимларини эгаллаган инсонлар учраб туради. Аммо бундайлардан ўзига ато этилган ақл-фаросатдан ортиғини кутиш қийин, талаб қилиш ҳам яхши натижа келтирмайди. Бир донишманд айтганидек, буюк ақл соҳиблари ғояларни муҳокама қиладилар, ўртача ақл эгалари воқеаларни муҳокама қилишади, ақли калталар эса одамларни муҳокама қиладилар...

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ

Эфим ЭТКИНД,
рус адабиётшуноси

БИР ТАРЖИМА ТАРИХИ

Суддан сўнг Татьяна Григорьевна Гнедич давлат хавфсизлиги идорасининг Шпалернодаги ички турмаси умумий бўлинмасида лагерга юборилишини кутиб ўтирарди. Бир куни терговчи хонасига чақириб, сўрайди: "Нега сиз кутубхонага чиқмаяпсиз? Қизиқ китоблар кўп, ўқишга ҳақлисиз...". Гнедич жавоб беради: "Бандман, вақтим йўқ". "Вақтим йўқ? – хайратланиб такрор сўрайди терговчи (ўзи васий бўлган бу ғалати қизнинг бошқалардан ажралиб турганини сезади). – Нималар қиляпсиз?" – "Таржима, – дейди у ва жавобига аниқлик киритади: – Байрон достонини". Терговчи китобхон, зиёли эди. "Дон Жуан"ни ўқиган экан. "Сизда ўша китоб борми?" – сўрайди у. Гнедич: "Мен ёддан таржима қиляпман!" дейди. Терговчи яна ҳайратда! "Сиз қандай қилиб охирги намунани хотирада сақлаб қоляпсиз?" – дейди у кутилмаганда ижод оламидан бохабар эканини билдириб. "Гапингиз тўғри, – дейди Гнедич, – энг қийини мана шу. Агар ҳозиргача қилган таржималаримни ёзиб қўя олсайдим... Якунланишига оз қолди. Энди эсда сақлаш қийин".

Терговчи уйига кетишга шайланиб турган бўлса-да, Гнедичга бир варақ қоғоз бериб, дейди: "Таржимангизни ёзиб қўйинг – эртага келиб ўқийман". Гнедич кўпроқ қоғоз сўрашга журъат этолмай, ёзишга ўтиради.

Терговчи эрталаб ишга қайтганда Гнедич ҳамон ёзаётган эди; ёнида тун бўйи ухламай ғазабланган соқчи турарди. Терговчи қараса: юқорисига "Айбланувчининг кўрсатмалари" деб ёзилган варақнинг ҳар икки томони заррабинда ҳам ўқиб бўлмас даражада майда ёзув билан тўлатилган. "Овоз чиқариб ўқинг!" – буюради у. Бу тўққизинчи қўшиқ – Дон Жуаннинг Россияга саёҳати эди. Терговчи узоқ тинглайди, вақти-вакти билан жилмайиб қўяди, қулоқларига ишонмайди; бир нуқтага етганда, ўқишни тўхтатиб дейди: "Ҳа, бунинг учун сизга Сталин мукофотини бериш керак!" – Бундан ортиқ баҳо йўқ эди. Гнедич ҳасрат билан ҳазиллашади: "Сиз тақдирлаб бўлдингиз". У камдан-кам ҳолларда ҳазил қиларди.

Ўқиш узоқ давом этади – Гнедич варақка достоннинг мингдан ортиқ сатрини, яъни 120 бандни сиғдирган экан. "Сизга қандай ёрдам беришим мумкин?" – сўрайди терговчи. "Сиз, фақат сиз ёрдам бера оласиз", – дейди Гнедич. Унга кераги: Байроннинг китоби (нисбатан ишончли, изоҳлар билан тўлдирилган нашрни айтади), инглизча-русча луғат, қоғоз, қалам; шунингдек, албатта, имкон бўлса, бир кишилик хона. Орадан кўп ўтмай терговчи унга турманинг ёруғроқ хонасини ажратади ва у ерга стол-стул қўйиб беришади.

Татьяна Григорьевна бу хонада икки йил ёлғиз туради. Турма ҳовлисига сайрга камдан-кам ҳолларда чиқади, бошқа китоб ўқимайди – фақат Байрон шеърияти билан яшайди.

Ўн еттинчи қўшиққа сўнгги нуқтани қўйгач, иш якунлангани ҳақида терговчига хабар беради. Терговчи уни хонасига чақиртириб, қўлёзма машинкада кўчирилгандан кейин лагерга кетишини айтади. Турма котибаси достонни қайта кўчиргунча узоқ ишлайди. Ниҳоят, терговчи Гнедичга уч нусха қўлёзмани тутқазиб, устидан ўқиб, хатоларини тузатишни буюради – улардан бирини ўзининг сейфига солади, бошқасини Гнедичга сақлаш ёрлиғи ("Тинтув қилганда олинмасин ва ўқилмасин") билан беради, учинчисини эса, тақриз учун кимга юбориш лозимлигини сўрайди. Гнедич М.Л.Лозинский номини айтади.

Гнедич турмадан лагерга ўтказилади ва ҳукм қилинган роппа-роса саккиз йилни ўтайди. Бу йиллар ичида таржимага кўплаб тузатишлар киритади; қўлёзма худди "фуфайка" сингари шишиб, ҳидланиб кетади.

Озодликка чиққандан сўнг, 1957 йили Ёзувчилар уюшмасида Т.Г.Гнедичнинг ижодий кечаси бўлади – у "Дон Жуан"дан парчалар ўқийди. Ўшандан сўнг икки ярим йил ўтиб, "Художественная литература" нашриётида "Дон Жуан" китоби 100000 нусхада нашр этилади. 100000! Шундай бўлишини икки йил турма каламушлари билан битта хонада ҳибсда сақланган Гнедич хаёлига келтира олганмиди?

Ҳумоюн таржимаси

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» НИНГ ЮЛДУЗЛАРИ

Адабиётимизнинг салкам тўқсон йиллик толмас тарғиботчиси ва жарчиси бўлган севимли журналимиз "Шарқ юлдузи"нинг жорий 2020 йилдаги 1-2- ва 3-сонлари нашрдан чиқди. Таъкидлаш керакки, журналнинг мазмун-мундарижаси янада мукаммаллашган ва бойиган. Хусусан, журналнинг 1-сонида "Юрагимнинг энг қимматли армони" сарлавҳаси билан берилган улуғ жадид Абдурауф Фитратнинг шеърларидан намуналар ҳам юқоридаги сўзимизни тасдиқлаб турибди.

Гулчеҳра Нуриллаева, Абдунаби Бойқўзиев, Отабек Исмоилов ва Ашурали Боймуроднинг назм рукнида эълон қилинган теран мазмундаги шеърлари ҳам нозик дидли шеърхонларга манзур бўлиши аниқ. Журналнинг наср қисмида эса Музаффар Мирзонинг "Шам ва шамшир" романи, Маъмура Зоҳидованинг "Бойчечак" қиссаси ҳамда Наби Жалолиддиннинг тафаккурга ундовчи ҳикоялари эълон қилинган. "Муносабат", "Булоқ кўз очди", "Адабиётшунослик" ва бошқа доимий рукнлардан жой олган ранг-баранг мавзулардаги мақола, шеър ва тадқиқотлар ҳам муштарийларни асло бефарқ қолдирмайди.

ЯНГИ НАШРЛАР

Журналнинг 2-сонида ҳам бир-биридан ўқишли, қизиқарли ва дилбар шеърлар, қисса ва романлар чоп этилган. Хусусан, таниқли шоирлар Абдулла Шер, Ҳаётхон Ортиқбоева, Зилола Хўжаниёзова ва Муҳиддин Абдусамад ўз шеърлари билан иштирок этган бўлса, шулар қаторида Музаффар Мирзонинг "Шам ва шамшир" романи ҳамда истеъдодли адиба Маъмура Зоҳидованинг "Бойчечак" қиссасининг давоми ҳам босилган. "Мушоира" ва "Булоқ кўз очди" рукнларида берилган шеърларни, "Мутолаа" ва "Адабиётшунослик" рукнларида эса қизиқарли мақола ва тадқиқотларни ўқишингиз мумкин.

"Шарқ юлдузи"нинг 3-сонидан ҳам бир-биридан қизиқ ва теран мазмунли асарлар ўрин олганини кўриш мумкин. Жумладан, Ойдин Ҳожиева, Ўроз Ҳайдар, Нодир Жонузоқ, Лайло Шарипова, Насрулло Эргаш каби шоирларимизнинг замон нафаси уфуриб турган шеърлари ҳеч бир мухлисни эътиборсиз қолдирмайди.

Журналнинг бу сонидан Назар Эшонқул, Лукмон Бўрихон каби атоқли адиблар ҳамда аллақачон тўрт-бештадан китобларни нашр этиб улгурган Абдужалол Раҳим ва Дилором Абдурахмоннинг ҳикоялари берилган.

Шунингдек, ушбу сондан ўрин олган Шарқий Жузжонийнинг "Бобурийлар сулоласининг сўнгги қироли", Муслимбек Йўлдошевнинг "Оташин сўзларнинг жаранги ўзга" каби мақолалари муштарийларга манзур бўлишига аминмиз.

Феруза Хайруллаеванинг "Булоқ кўз очди" рукнида эълон қилинган шеърлари ҳамда журналнинг 90 йиллиги олдидан берилган туркум материаллар ҳам журналнинг мазмун-мундарижасини бойитишга хизмат қилган.

Ракия УБАЙДУЛЛАЕВА

ЗОМИН ТОҒЛАРИ



ЎЗБЕК ШОИРАСИ – ВЬЕТНАМДА

Вьетнамда таниқли шоира Хосият Рустамованинг "Шамолнинг важоҳати" номли китоби вьетнам тилида нашрдан чиқди. Таржимон — таниқли Вьетнам шоири Ву Виет Ҳунг ўзбек шоираси ижодига қуйидагича баҳо берган: "Ушбу китобда Ўзбекистоннинг беқиёс манзаралари, тафти-ҳарорати, ўзбек халқи юрагидаги меҳр-муҳаббат юксак рух ва бетакрор истеъдод билан тасвирланган. Жаҳон билан бўйлашаётган ўзбек шоираси ифодалаган умумбашарий ғоялар вьетнам китобхонларини ром этиши шубҳасиз".

Кўп нусхада чоп этилган Хосият Рустамованинг ушбу китоби ўзбек шеъриятини дунё китобхонларига танитишда муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

Баҳодир ЭСОНОВ,
ўқитувчи

ТЎҒРИ ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Инсон тараққиётнинг илк даврлариданоқ оловдан турмушдаги эҳтиёжларини қондириш воситаси сифатида фойдаланиб келган. Бироқ ундан фойдаланишнинг ҳам ўзига хос йўл-йўриғи ва талаблари бор. Олов чиқишига бир неча омиллар сабаб бўлади.

ОГОҲЛИК

Айникса, ҳозирги ёз мавсумида юртимиз далаларида иш қизғин. Деҳқонларимиз эл ризк-рўзи бўлган буғдой ҳосилини нест-нобуд қилмай, йиғиб олишга ҳаракат қилишмоқда. Айни шу мавсумда ҳосилдан бўшаган майдонларда сомон ёқиш ҳолатлари ҳам учраб туради. Буғдой поя ларини ёқиш чорва учун тайёр озукани нобуд қилиши билан бирга, атрофга катта зарар етказади. Сомонни ёқишнинг ер ҳосилдорлиги ва экологияга салбий таъсири катта. Эътиборсизлик ортидан катта ёнғин ҳолатлари келиб чиқиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Ана шундай кўнгилсиз ҳодисаларнинг рўй бермаслиги учун ҳар бир фуқаро ёнғин хавфсизлигига риоя қилиши, дала майдонларида ёнғин келтириб чиқарувчи ҳолатларнинг олдини олишга ҳаракат қилиши лозим.

Абдуҳамит АДИЛОВ, Саида АХУНОВА,
Баҳодир ҲИКМАТОВ,
ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва "Ижод" жамоат фонди Уюшма аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, драматург Эркин Хушвақтга онаси

БИБИҚИЗ аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбек Миллий академик драма театри раҳбарияти ва жамоаси театрнинг режиссёр ассистенти, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Эркин Хушвақтовга онаси

Бибиқиз ХУШВАҚТОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбек Миллий академик драма театри раҳбарияти ва жамоаси театрда кўп йиллардан буён фаолият юритиб келаётган бош ҳисобчи Зумрад Шариповага турмуш ўртоғи

Каримбой ШАРИПОВнинг

вафоти муносабати билан самимий ҳамдардлик билдиради.

O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI
Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
Ҳамкоримиз: Ijro akfa

Бош муҳаррир Салим АШУРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Масъул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир: Абдумажид АЗИМОВ
Саҳифаловчи: Зафар РЎЗИЕВ
Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.
Адади - 5088. Буюртма Г - 755.
Ҳажми - 4 босма табоқ, А-2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-57-42 Санъат бўлими: 233-56-40 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 21.00.
Босишга топширилди - 21.02.

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
Сотувда нархи эркин.
ISSN 2181-614X